

Ҳабиб Саъдулла  
**ҚЎЧАМДАН ЖОНОН**  
**ЎТГАНДА**



**МЎЖАЗ ДЕВОН**

Тошкент  
«Камалак»  
1992

## **АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, МУХТАРАМ КИТОБХОН!**

Нечака асрлардан бўён Шарқ шеъриятининг сехрли вазни аруз дилларни ром этиб келади. Бу вазнга мурожаат килмаган шоирни ҳам, унинг сехрига шайдо бўлмаган китобхонни ҳам топиш кийин.

Орзуга айб йўк, дейдилар, Қўлингиздаги мўъжаз девон менинг ҳам шу йўлдаги изланишларим маҳсули. Бунга кирган газалларнинг аксарияти халқимизнинг Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Нуриддин Ҳамроқулов, Бокижон Сатторов каби суюкли хофизлари, умидли ёш санъаткорлар томонидан куйга солиниб, тўйларингизда, уйларингизда янграган.

Шоирлардан сатрлар ё байтлар қолади. Бирор байти қалбингизга муҳрланиб колса, демак умрим зое ўтмабди, деган умид билан бозор иқтисодиёти важхидан ўз хисобидан чикараётган бу девонимни сизга тутаман. Илоҳо, Сизнинг ҳам беҳуда вақтингиз кетмагай.

**Хизнинг ҲАБИБ САЪДУЛЛА**

## ФАЗАЛЛАР



### ДЕБОЧА

Гоҳи шодлик, гоҳи ғам  
Кўрса раво дунё менга,  
Қўнглими ёзмок учун  
Бўлмиш ғазал ошно менга.

Қайси қалб ишқдан йирок  
Бўлса ғазалдан ҳам йирок,  
Ишқу ашъор дардини  
Солмиш кўзи шахло менга.

Ёрга ошиқ бўлганим  
Боис ҳаёт шайдосиман,  
Элу юртга жонфидолик  
Умр аро маъно менга.

Эл учун арбоблар  
Ёни қуяр, шоир жони —  
Мир Алишердан мукаддас  
Таълимуму фатво менга.

Менки Бобурга ватандош,  
Шохи Машраб вориси,  
Бахтлиманки даврадош  
Эркин каби гўё менга.

Она халкка меҳрин айтур  
Ҳар киши ўз ҳолича,  
Ёт эрур мумтозликни  
Айламоқ даъво менга.

Ушбу девон элга изҳори  
Дилимдан бир нишон  
Эл Ҳабиб этса мұяссар  
Бўлгуси дунё менга.



## АГАР СЕН...

Агар сен норасо бўлсанг,  
Бу олам норасо сенга,  
Ҳаётга нораво бўлсанг,  
Ҳаёт ҳам нораво сенга.

Бу дунё кори шўндоққим  
Топурсан ҳар не изларсан,  
Агар сен ошино бўлсанг  
Бўйурлар ошино сенга.

Мехр, лутфу садоқат — дўсту  
Ёрликнинг буюк шарти,  
Агар сен бевафо бўлсанг  
Улар ҳам бевафо сенга.

Кидирма ўзгалардан сахв ким,  
Сахв ичра ботгайсан.  
Агар сен сахв этиб отсанг,  
Отурлар бехато сенга.

Ҳаёли, пок одам ҳаргиз  
Бирровлар устидан кулмас,  
Агар сен бехаёсан, эл  
Кўрингай бехаё сенга.

Сени бу нурли оламга  
Нур улашмоққа кетурмишлар,  
Агар қалбинг басир бўлса  
Ёруғ кун хам сиёҳ сенга.

Ёруғ кунлар умидида Ҳабиб  
Умринг ўтиб боргай,  
Шукурким яхшилар меҳри  
Раво сенга, даво сенга.

## КЎЗГУГА

Рахм қилгил, бўлмасин сув  
Бокма жонон, кўзгуга,  
Бўлмасин тор кенг жаҳону  
Еру осмон кўзгуга.

Бир нигоҳ этсанг эрир дил.  
Мисли ўтда қатра мой,  
Баски жоним, бу балони  
Тутма осон кўзгуга.

Кўзларингдан нур олибму,  
Шунча порладур күёш,  
Ё кўзингдан рашк этиб  
Боқайму пинҳон кўзгуга?

Билмадим, ё тим — қора тун  
Кўзларингдан олди ранг,  
Ёки кун тунни яратди  
Бермай имкон кўзгуга.

Талпинурсан кўзгуга сен  
Ўз кўзингта зор бўлиб,  
Шунча бахту шунча иқбол  
Битта бежон кўзгуга.

Гарчи бир бор бокқанингда,  
Минг куйиб ёнгай Ҳабиб,  
Айланиш истайди беор  
Жисм ила жон кўзгуга.

## КЕЛМАГАНИНГДА

Ваъда бериб кўзи хумор,  
келмаганингда,  
Дил бўзлагай мисли дутор  
келмаганингда.

Келгайму, деб йўлларингга  
зор термилишдан,  
Рангим сомон, кўз интизор  
келмаганингда.

Хар шарпадан тан ларзада,  
жон бекарордир,  
Йўқлаб сени девонавор  
келмаганингда.

Ўксик дилим юпатгани  
гул очдию вале,  
Куздай паришондир баҳор  
келмаганингда.

Бу не маломат бошима,  
бу не азоб эрур,  
Охимга эй, беэътибор,  
келмаганингда.

Гар кийнамоқлик қасдида  
келмаган эрсанг,  
Кийнокдаги жоним нисор  
келмаганингда.

Жону жаҳоним истасанг  
Жон, деб тутай Ҳабиб,  
Келмоқни этгил ихтиёр  
келмаганингда.

## КҮЧАМДАН ЖОНОН ЎТГАНДА

Тарагай мушк ила анбар  
Күчамдан жонон ўтганда,  
Изида тупроқ ўлгай зар,  
Күчамдан жонон ўтганда.

Бошига соябон бўлмоқ  
Умидида ошиб девор,  
Бутоқлар таъзим айларлар  
Күчамдан жонон ўтганда.

Деворга жон ато этгай,  
Вале тошлар эриб кетгай,  
Агар бир бор нигоҳ айлар  
Күчамдан жонон ўтганда.

Жамолини тамошо қилғали  
Чиққач, девор ўлсам,  
Кулар ҳолимга мажнунлар  
Күчамдан жонон ўтганда.

Бошимга ёғса ҳам ғавғо,  
Ишим йўл пойламоқ, аммо  
Нигоҳ солмай этар баттар  
Күчамдан жонон ўтганда.

Тикибсан йўлида жонни,  
Ҳабиб бас, ноумид бўлма,  
Тун ортидан келур кунлар,  
Күчамдан жонон ўтганда.

## САФАРДА

Қадди нихолинг истарам,  
Дилдор, кўчаларда,  
Ойдин жамолинг истарам,  
Зор-зор кечаларда.

Нетонг, кўчалар файзсиз эса,  
Сенсиз азизам,  
Чехраи олинг истарам  
Абгор кечаларда.

Абгор кечалар ошно эрур  
Менга хаёлинг,  
Базми висолинг истарам  
Бедор кечаларда.

Икки кўзинг бўлиб бокур  
Хулкару Зухро,  
Қоши хилолинг истарам  
Хуммор кечаларда.

Хуммор кечалар шаҳди  
Лабинг хохиши бирла,  
Ширин мақолинг истарам  
Бемор кечаларда.

Беморман агар боиси ёр  
Софинишимдир,  
Лабдаги болинг истарам  
Такрор, кечаларда.

Такрорки олис кетмагуси  
Зор Ҳабибинг,  
Бас шунча бўлар бўлса агар  
Хор кўчаларда.

## ҲАР ЛАҲЗА, ҲАР ЛАҲЗА

Нигорим, гул юзинг кўргим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,  
Кўзингга термилиб тургим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Магар дунёга келмишман  
Сени севмоқ умидида,  
Муҳаббат гаштини сургим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Жамолинг шуъласи мангу  
Мунаввар этди иқболим,  
Рақибим рашкда кўйдургим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Ўзинг ишқим, баҳоримсан,  
Фурур бирла тутиб дастинг.  
Халойик ичра ғоз юргум келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Десам севгим, десам эркам,  
Бу сўз кам, жисм аро жонсан,  
Лабингдан жон сувин сўргим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Вафодорим, ёниқ меҳринг,  
Ширин васлинг ҳаки минг бор,  
Бошингга бахтни кўндиригум келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Ҳабиб умрим вафо, ишку  
Садоқат рамзирип билсанг,  
Уни изминингга топширигим келур  
ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.



## ҚАДАҲ СҮЗИ

*Дўстларим Анвар ва Муҳаббатнинг тўйида*

Хаёт, сендан сўровим, пок  
Табиатдан жудо килма,  
Табиат ичра мавжуд  
Нозу неъматдан жудо килма.

Бари неъматлар ичра  
Энг лазиздир дўстларим меҳри,  
Жудо қилсанг-да жонимдан,  
Шу лаззатдан жудо килма.

Бу кун қўлда қадаҳ бирла  
Сўз айтурман садоқат-ла,  
Қадаҳ гар лаҳзалик, мангу  
Садоқатдан жудо килма.

Менинг олам аро ганжим  
Дилимда ёнган ишқимдир,  
Дилимни ишқ аталмиш ул  
Маҳобатдан жудо килма.

Кай ул кўнгилда ишқ бўлса  
Жаҳон унга гулистондир,  
Гулистон деб аталган  
Ишқли жаннатдан жудо қилма.

Келин бирла куёв топмиш  
Ўз иқболин мұхаббатдан,  
Умрлар бўйи Анварни  
Мұхаббатдан жудо қилма.

Мұхаббатдан қурилмоқда  
Бу ошёнда ажиб бир тахт,  
Бу ошённи вафо номли  
Иморатдан жудо қилма.

Ҳамиша дўстлар иқболи  
Ҳабибга муддао бўлмиш.  
Уларни шод кўришдек  
Зўр саодатдан жудо қилма.



## КЕЛ, ЭЙ ДИЛДОР

Кел, эй дилдор, очай сенга  
Дилим розин, малол олма,  
Мухаббат шевасин куйлар  
Эса созим, малол олма.

Мухаббатсиз юрак бебаҳрадир  
Нурдан, ҳароратдан  
Ки тошдай фарқ этолмас ул  
Кишу ёзин, малол олма.

Сенинг ишқинг қуёш янглиғ  
Бахор бахш этди қалбимга,  
Баҳор — қалбимга киргил  
Кургали базм, малол олма.

Ўзинг бахту баҳоримсан,  
Бошингдан зар сочолмасман,  
Нисор этгум дилим, меҳрим,  
Кўпу озим, малол олма.

Ҳабиб кутгай сени дилда  
Ғазал, қўлда дутор бирла,  
Йўлингга кўз нурим айлай  
Пойандозим, малол олма.



## ҚУШИҚ

Дилором Сафоевага

Сукут сақла сен, эй булбул,  
Дилоромхон қүшиқ айтса,  
Тугун ғунчангни очгил гул,  
Дилоромхон қүшиқ айтса.

Гаҳи эслатса ёшликни,  
Гаҳи боғ сайрига бошлаб,  
Менинг қалбимга излар йўл  
Дилоромхон қүшиқ айтса.

Қўшиқдан ишқ туғилганму  
ва ё ишқдан қўшиқ, билмам,  
Қўшиққа ташнадир кўнгил  
Дилоромхон қўшиқ айтса.

Бу кўкрак тор эрур чандон  
Ўзингни урмагил ҳар ён  
Бекорга бўлса чил-чил дил,  
Дилоромхон қўшиқ айтса.

Менинг-чун бекадр хасдир  
Буюк мансаб, буюк шухрат,  
Туман бойлик эрур бир пул  
Дилоромхон қўшиқ айтса.

Ҳабиб ўлсам бошим узра  
Йифилманг чорасиз, дўстлар,  
Тирилгум, сўзга киргай тил,  
Дилоромхон қўшиқ айтса.



### НЕ АЖАБ

Сендай санамнинг дилрабо,  
Шайдоси бўлсам не ажаб,  
Шому сахарлар йўлида  
Пайдоси бўлсам не ажаб.

Айдинг: йўлимда интизор  
Шайдоларим дунёча бор,  
Дунёча ошиклар аро  
Танҳоси бўлсам не ажаб.

Айдим: юзинг ой деб билиб,  
Чикма фалак пештоқига,  
Айдингки: кўп камситмагил,  
Зухроси бўлсам не ажаб.

Сўрдим: кўзинг юлдузмидур,  
Ё жонима боқкан бало?  
Айдинг: жаҳон шахлоларин  
Шахлоси бўлсам не ажаб.

Ул сарви қоматинг кўриб  
Девдим, бу не мўжизадир,  
Айдинг: Навоий куйлаган  
Лайлоси бўлсам не ажаб.

Кил илтифот, эй моҳитоб,  
Айт, қай чаман фарзандисан,  
Айдинг: тароват мулкининг  
Подшоси бўлсам не ажаб.

Хусну тароват мулкининг  
Султонига жоним фидо,  
Макташга ой жамолини  
Мирзоси бўлсам не ажаб.

Айдингки, васфим битгали  
Ёлғиз Ҳабиб камлик қилур.  
Ахли шуаро шеърининг  
Маъноси бўлсам не ажаб?!





## СЕВ

Истасанг инсон бўлишни  
Аввало инсонни сев,  
Севги баҳтин ҳадя этган  
Шул лазиз имконни сев.

Севмагил сен ўз ўзингни  
Эл аро танҳо билиб,  
Ҳар тирик жонда ўзингни  
Кўргилу ҳар жонни сев.

Билки боқий олам ичра  
Умримиз бир лаҳзадир,  
Бу ҳаётга ҳамма меҳмон,  
Танти бўл, меҳмонни сев.

Ҳирс кўйиб зўр ёки зарга  
Тутма **ноноклик йўлин**,  
Қисқа умринг зийнати деб  
Этикод, имонни сев.

Молу дунё бевафодир,  
Бу боболар ҳикмати,  
Барчага бирдай баробар  
Ерни сев, осмонни сев.

Эсда тут, ҳар қилмишингга  
Ер гувоҳ, осмон гувоҳ.  
Хоҳи виждонингни ютгил,  
Хоҳлагил шайтонни сев.

Бу умрда нени севсанг  
Шу билан қолгай отинг,  
Элни сев, ё пулни сев,  
Ё бир гўзал жононни сев.

Севгидан бебаҳраларга  
Сўзни хайф этма, Ҳабиб,  
Айшпараст окилни қўйгил,  
Ишқпараст нодонни сев.



## ЛАҲЗА

Кўзинг кўзимга тушди-ю,  
Қароғингда ёнди олов,  
Қароғингдан ўт олдими,  
Қабоғингда ёнди олов.

Нигоҳларим силар экан  
Қошу қабоғингни, гўзал,  
Лахча бўлиб турган икки  
Ёноғингда ёнди олов.

Икки ёноғинг устига  
Оч назарим босдию лаб,  
Ширин табассум айладинг  
Дудоғингда ёнди олов.

Атлас либос гулхан мисол  
Олди кўзим, билолмадим,  
Сенми олов бағрида ё,  
Кучоғингда ёнди олов?!

Нозу карашмалар билан  
Оҳиста юрдинг мен сари  
Босган изингдан ўт чикиб,  
Оёғингда ёнди олов.

Эсингни йиф, жонон эмас,  
Ўтда ўзинг қолдинг, Ҳабиб,  
Бир сўз демоқчи бўлдингу  
Томоғингда ёнди олов.

## БЎЛМАСАНГ

Минг тасанно қоматингга,  
Бунча зебо бўлмасанг,  
Сарвқадлар доғда қолмиш  
Бунча барно бўлмасанг.

Бош уриб пойингга гуллар  
Хокипо бўлғаймиди,  
Боғда кўрсатсанг жамолинг,  
Кўркда танҳо бўлмасанг.

Гарчи ёнди раشكда гулшан,  
Дилда туздинг бир чаман,  
Қайдан эрди бу чаман, сен  
Унда пайдо бўлмасанг.

Оҳ, бу қомат, бу малоҳат.  
Бу тароват кўйида  
Ўт туташди хаста жонга,  
Ёнгай ошно бўлмасанг.

Кун жамолинг этди, жонон,  
Қалбу шахрим пурзиё,  
Кўрқаман бўлғай Намангон  
Мисли сахро, бўлмасанг.

Сен Намангон ташвишида  
Оҳ урарсан, эй, Ҳабиб,  
Балки ҳеч ўртамас эрдинг  
Ёрга шайдо бўлмасанг.

## ЁНИМДА СЕН БЎЛСАНГ

Бахористон эрур қалбим,  
Нигор, ёнимда сен бўлсанг,  
На қалбим, бу буюк олам  
Баҳор ёнимда сен бўлсанг.

Қаро зулфинг бўйи бир бор  
Димофимга урилганда,  
Йўқолғуси ғами хижрон,  
Ғубор ёнимда сен бўлсанг.

Бўйингдан сарв хижолатда  
Юзинг рангини кўрганда,  
Дилин чок-чок қилур рашқдан  
Анор, ёнимда сен бўлсанг.

Бошим кўкларга етмасму,  
Ҳавасдан эл ёниб бокса,  
Аё ўн етти ёшли  
Гул узор, ёнимда сен бўлсанг.

Ҳабиб сенга бўлибдур ром,  
Фироқда қўймагил зинҳор,  
Тиласман, бир умр кўзи  
Хумор ёнимда сен бўлсанг.



## КЕТСАНГ

Келар бўлсанг кўнгил гулшан,  
Дилим вайрон бўл ёр кетсанг,  
Кўришганда тилим бурро,  
Эсим хайрон бўлур кетсанг.

Ёниб қошимда ўлтурсанг  
Жамолингдан кўзим равшан,  
Изингни тўтиё килмоқ  
Учун тирён бўлур кетсанг.

Хумор боқишиларинг, дилдор,  
Жонимга бахш этур ором.  
Кетиб ҳатто мажолим ҳам,  
Таним бежон бўлур кетсанг.

Тараҳхум айласанг ширин  
Лабингдан бол томар, хай-хай,  
Жаҳоннинг болу қанди ҳам  
Тахир, нордон бўлур кетсанг.

Сочинг жаннат ҳидин сочтай  
Келиб кўксимга бош қўйсанг,  
Қолиб дўзах ўти ичра  
Вужуд сўзон бўлур кетсанг.

Ҳабиб, соғинганинг чоғлар  
Фазал битдингму, деб сўрма,  
Қочур илҳом, синур довот,  
Ишим нолон бўлур кетсанг.

## КЎЗЛАРИНГ

Хазил

Канча шоирлар тилемда  
Бўлди достон кўзларинг,  
Ким учундир бўлди орзу,  
Ким учун жои, кўзларинг.

Зор Лутфий васф қилди,  
Ҳам Навоий куйлади,  
Ҳам Муким, Фурқат дилида  
Бўлди армон кўзларинг.

Во ажабким, сен ўзингдай  
Асти билмас ўзгариш,  
Ўтса ҳамки қанча давру  
Қанча даврои, кўзларинг.

Қай китобга қўл узатсам,  
Ўт каби чақнар мудом,  
Икки «оташ», икки «шаҳло»  
Икки «фаттон » кўзларинг.

Шу йўсинда қанча-қанча  
Элни шоир айлади,  
Қанчаларга тутқазиб соз  
Этди «хушхон» кўзларинг.

Бу жаҳонга келганида  
Асли оддий кўз эди,  
Шунча мактovлар кошида  
Қолди ҳайрон кўзларинг.

Ўзгаларга зору гирён,  
Воажаб, шоир деса  
Қочгали хеч жой тополмас  
Кўзларинг, жон кўзларинг.

## ОМАД

Боболар нақл этурларким,  
Хаётда бор экан омад,  
Ҳалол, заҳматкаш инсонга  
Ҳамиша ёр экан омад.

Менинг наздимда ҳам дўйстлар,  
Бу ҳикматда ҳақиқат бор,  
Туғилган онидан аммо  
Тамоман кўр экан омад.

Шу боис йўлга кирганда  
Етаклаб кетмиш олчоқлар,  
Уларнинг дастидан асло  
Қочолмай зор экан омад.

Кимики кечаю кундуз  
Ҳалол меҳнат била кутгай,  
Унинг қошига йўл топмай  
Мудом ночор экан омад.

Сўкир бечорани доим  
Сотур пулдорлар қулдай,  
Иложсиздир, деманг ҳаргиз  
«Лаганбардор экан омад».

Гоҳи нодонга қулдир ул,  
Гоҳи жоҳилга шамширдир,  
Уларнинг изми-ла поклик.  
Осилган дор экан омад.

Ҳақиқатни кўмиб ерга  
Гоҳи оқни сиёҳ дерга  
Имонсизда изн бергай  
Қаранг, беор экан омад.

Машакқатни билиб эзгу  
Яратсанг боғ, чиқарсанг сув.  
Хаётнинг лаззати ҳам шу  
Магар йўқ, бор экан омад.

Ёнаркан ишқ ўти дилда,  
Ҳабиб, бас, шул эрур бахтинг,  
Мұхаббатсиз кўнгилларга  
Фақат даркор экан омад.



## ЗАДАРЁ ГЎЗАЛИГА

Дастхат

Гўзал Нурхон, табиат  
Сизни нурдан айламиш бунё  
Шу бирла чўл Задарёни  
Зимиштондан этиб озод.

Юзингизда чаман акси,  
Лабингиз фунчадек, воҳ-воҳ,  
Қаддингиз сарвдан аъло,  
Санобардан эрур шамшод.

Ажиб жонбахш кўзларким  
Кўйида шоҳ гадо бўлгай,  
Қалам қошларни кўрган, дер:  
Чизиб кетганмикан Беҳзод.

Бу хусну, бу тароватким,  
Этибдир Сизни Шириндай,  
Ажаб, не, васлингиз излаб  
Келибдир неча минг Фарход,

Висолингиз умидида  
Тузиб саҳрода бўстонлар,  
Шаҳар бунёд этмишлар  
Йўлингиз этгали обод.

Ярашгай Сизга бўстонлар,  
Муносиб Сизга достонлар,  
Бу талъатга, бу жилқатга  
Ярашгай неча шоҳ ижод.

Навоий етмагай ҳайҳот,  
Битурга таърифингизни.  
Нўноқ таъриф билан начор  
Ҳабиб ўз кўнглини айлар шод.

## ШАЙДО ДЕСАНГ, ДЕ

Майли, менга таъна қилиб,  
Шайдо десанг, де.  
Ишқ деб, кўзига тор эрур  
Дунё, десанг, де.

Пинхон эмас туғилганим,  
Элга аёндир,  
Севгиси ҳам элга аён  
Хатто, десанг, де.

Сен яширин иш тутасан,  
Кўрқасан элдан,  
Шоху гадога мени дўст,  
Ошно десанг, де.

Шўрлик ғаним, айб қидириб  
Овора бўлма,  
Ошқилигим гуноҳ эса,  
Расво десанг, де.

Миш-мишларингу ғийбатинг,  
Бермаса фойда,  
«Нодон бу халқ, ёлғиз ўзим  
Доно» десанг, де.

Мен найлайин, қасдим учун  
Сен яралибсан  
Бедор эрурман шу сабаб,  
Дарё десанг, де.

Ишки Ҳабибни асрагай  
Хавфу хатардан  
Килмайдия ажалга ҳам  
Парво, десанг, де.

## ДАРЁ

Менинг умрим каби шошқин  
Оқар дарё,  
Менинг кўнглим каби тошқин  
Оқар дарё.

Буюк шиддат, буюк кудрат  
Унга хосдир,  
Асов тойдир, уриб тўлқин  
Оқар дарё.

Килиб ғавғо, уриб тошларни  
Тошларга,  
Саёз жойда солиб шовқин  
Оқар дарё.

Жавоҳир саклаган жойда  
Таажжубким,  
Билинтирмай, ажиб сокин  
Оқар дарё.

Гоҳи ўйчан эрур гўё  
Мунажжим чол,  
Гоҳи шоир мисол жўшкин.  
Оқар дарё.

Шу қори-ла у инсонга  
Кетар ўхшаб,  
Ҳаётнинг ё олиб машқин  
Оқар дарё.

Сирин билмоққа интилсам,  
Умр етмас,  
Тагин умрим каби шошқин  
Оқар дарё.

## НЕ ИЛОЖ

Бизни ўзингизга раво  
Билмасангиз не илож?  
Оҳ урамиз, зарра писанд  
Қилмасангиз не илож?

Чарчамадик ҳеч интилиб,  
Соя мисол эргашиб,  
Биздан кулиб, бизга эса  
Кулмасангиз не илож?

Жунун ичра бизку Қайснинг  
Қисматидан тонмадик,  
Лайли мисол бир ҳол сўраб  
Келмасангиз не илож?

Биз ерда, Сиз самодасиз  
Хусну ғурур бобида,  
Қўкда туриб назарга ҳам  
Илмасангиз не илож?

Сизни деганмиз барибир  
Аҳдда туармиз бир умр  
Лутф этибон, ғаним дилин  
Тилмасангиз, не илож?

Ошиқ учун умид — ҳаёт,  
Нажот эрур муҳаббат,  
Бу ҳикматни бугунча Сиз  
Билмасангиз не илож?

## ГУЛИМ, НЕЧУН...

Гулим, нечун очилмагай гулингиз,  
Қай бағри тош ранжитди гул дилингиз?

Гул қадрини билмаган ул дилозор,  
Арзирмикан бўлмокқа бир қулингиз?

Фунча даҳан кулмоқ учун яралган,  
Чехра очиб, хандон отиб қулингиз.

Тишларингиз ёғусидан нур олсин,  
Хуш атрингиз билан тўла йўлингиз.

Бир лаҳзага қовоғингиз уюлса,  
Кўнглим синар, оҳ, эҳтиёт бўлингиз.

Кулгига зор ғамга тўла бу дунё,  
Кулиб уни ободу шод килингиз.

Кулиш билмас бадқовоклар қасдига,  
Кулги билан мангуд ҳабиб бўлингиз.



## МУҲАББАТ

Қачонки нотавон кўнгил  
Фариштам, Сизга боғланди,  
Магар ҳоки туроб эрди  
Ўшал аснода тоғланди.

Мунаввар бўлди дунёси  
Куёшрў суратингиздан,  
Зимиstonдан чиқиб гўё  
Зиё бирла қучоғланди.

Ҳаётбахш кўзларингиздан,  
Дурафшон сўзларингиздан,  
Қанот пайдо қилиб, моҳим,  
Буюк парвозга ҷоғланди.

Бу кун осмон тутар ўзни,  
Унга олам гулистандир,  
Неча ишқсиз томонидан  
«Бу не ҳол?» деб сўроғланди.

Жамолингиз кўриб хушхол,  
Висол онида маству лол,  
Сизингсиз қолса бир лаҳза  
Куйиб доғланди, доғланди.

Шукрким баҳтига борсиз,  
Ажиб мунис ва дилдорсиз,  
Бутундир лутфингиз бирла,  
Магар юз бор пичоғланди.

Ҳабиб, қай бир кўнгилга ёр эса  
Шундек ажиб кисмат,  
Муҳаббат достонидан демак  
Бир боб вароғланди.

## КЕЛГАЙМИ, КЕЛМАГАЙМИ

Тонг отди. Боз хаёлим:  
Келгайми, келмагайми?  
Ул қомати ниҳолим  
Келгайми, келмагайми?

Кўзим йўлида гирён,  
Зорман кўришга ҳар он,  
Зор этган ойжамолим  
Келгайми, келмагайми?

Гулгун лабида ханда,  
Мен ҳар сўзига бандা,  
Шаккар лабида болим,  
Келгайми, келмайгайми?

Чорлаб ўтар хаётим,  
Васли мудом муродим,  
Доим сўроқ — саволим:  
Келгайми, келмагайми?

Келганда кўксим осмон,  
Кетгач кўнгилда армон,  
Боз ақли баркамолим  
Келгайми, келмагайми?

Боғим дея қувонсам,  
Тоғим дея суюнсам,  
Етмасмикин малолим,  
Келгайми, келмагайми?

Бахтимга бор бўлғай,  
Умримга ёр бўлғай,  
Кўрмай сира заволин,  
Келгайми, келмагайми?

## СЕНГА

Нечун офтобга ўхшатмай  
Парирўйим, жамолингни,  
Асрлар орзу айлашди  
Шуаро қад-камолингни.

Жаҳонгирликни тарк айлаб  
Темур кезгайди саргашта,  
Кўришга зор ўларди  
Беназир рухсори олингни.

Улуғбек тун бўйи бедор  
Кўзин тикмас эди қўкка,  
Фалак бир бора кўрсатса  
Кўзинг — юлдуз мисолингни.

Навоий юз бурав эрди  
Ўшал Лайлою Шириндан  
Бирор бор гар эшигтанда  
Сенинг ширин мақолингни.

Кераксиз тош билиб Бобур  
Буюқ Ҳиндуда шоҳликни  
Гадо янглиғ тилар эрди  
Лабингдан қатра болингни.

Ҳавас қилсин Темур, Бобур,  
Улуғбек ҳам, Навоий ҳам,  
Не баҳтки, гоҳи-гоҳи мен  
Кўриб қолгум жамолингни.

Шунинг-чун, гоҳ соғинтиранг  
Ҳабиб ашъорга ёлборгум,  
Бировларнинг висолидан  
Кўриб афзал ҳаёлингни.

## ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Сенга таъзимдаман, моҳим,  
Эгиб қошингда бошимни,  
Менга сен қайта баҳш этдинг  
Олов ўн етти ёшимни.

Сенга ўн етти ёш янглиғ  
Асири бўлдим, асирингман,  
Менга ноз айлабон кўрдинг  
Синаб сабримни, дошимни.

Сенга қалбимни тутдим мен  
Мисоли лаҳча чўғ, жонон,  
Менга сен ҳадя этдинг  
Ишқ аталмиш бир күёшимни.

Сенга ишқимни баҳш этдим  
Йўқ эрди ўзга бир ганжим,  
Менга сен илтифот қилдинг,  
Санаб гавҳарга тошимни.

Сенга арз айлаган эрдим  
Висолингдан умид боғлаб,  
Менга васлинг насиб этдинг,  
Оқизмай кўзда ёшимни.

Сенга боғланганим боис,  
Хабиб лаззатлидир умрим,  
Менга ҳажринг раво айлаб,  
Заҳарлаб кетма ошимни.

## СИЗДАН САДО

Кулди баҳорим Сиз томондан  
Шўх сабо келган куни,  
Ул шўх сабо қанотида  
Дилдор наво келган куни,

Дилдор наво билан баҳор  
Оғушига олмиш мени,  
Дилдор наво оҳангизда  
Сиздан садо келган куни.

Шу бир ширин садо билан  
Лутф этдингиз Хотам сифат,  
Пойига тилло тўқдингиз,  
Гўё гадо келган куни.

Гўё гадо кутган эди  
Ширин садонгиз хаста дил,  
Оlam мунавардир мана,  
Унга даво келган куни.

Унга даво бахш этдингиз  
Холин сўраб, доногинам.  
Юз йил узайди умри ҳам  
Аҳдга вафо келган куни.

Аҳдга вафоси ҳурмати,  
Мехри зиёси ҳурмати,  
Бошимга тож айлай Ҳабиб,  
Нозик адo келган куни.

## НАМАНГОН ҚИЗЛАРИ

Гулшан Намангон кўксида  
Раъно Намангон қизлари,  
Одоб-ҳаёли дилнавоз  
Зебо Намангон қизлари.

Гул қўлларида гул униб,  
Гулларга буркаб шаҳрини  
Ўз санъатига ўзлари  
Шайдо Намангон қизлари

Боққанда шаҳрим кўркига  
Сезгум латофат сирларин  
Сиз бу гўзаллик соҳиби  
Доно Намангон қизлари.

Атлас кийиб, лов-лов ёниб,  
Мисли товус минг товланиб,  
Сайр этсангиз гулбоғ аро  
Барно Намангон қизлари —

Бир бор нигоҳ ташларми, деб  
Ё бир каломингиз кутиб  
Не бўз йигитлар бошида  
Савдо Намангон қизлари.

Хар тонг мисоли андалиб  
Куйлади васфингиз Ҳабиб,  
Мен ҳам бирингизга ахир  
Ошно Намангон қизлари.

## ЎРГАНСАЧИ

Мажнун келиб ишқ бобида  
Мендан сабоқ ўргансачи,  
Умрин гўзал ёр йўлида  
Сарф айламоқ ўргансачи.

Хусни камолингни кўриб  
Бўлса Юсуф шармандалар,  
Ақлинг кўриб, Лукмон ўзин  
Сезса нўнок, ўргансачи.

Барно бўйинг кўз-кўз қилиб,  
Ишқ боғида сайр айласанг,  
Барчин келиб сендан гўзал  
Нозу фироқ ўргансачи.

Афсонадир Тохир бугун,  
Истар эса ишқда қиёс,  
Топгуси қалбимдан қуёш  
Ушлаб чироқ ўргансачи.

Ишқ оташида ўртаниб,  
Куйлар экан танҳо Ҳабиб,  
Мажнун ила Фарҳод келиб  
Мендан сабоқ ўргансачи.



## ой

Ой жамолингиз кўриб  
Ошуфтаҳол осмонда ой.  
Бир талашгач Сиз билан  
Кўрку камол осмонда ой.

Дейдилар: «Аслида ой  
Менмидим ё улми» деб,  
Ўз-ўзига ҳар кеча  
Бергай савол осмонда ой.

Интизор бўлмиш ўзи ҳам  
Сизни бир бор кўргали,  
Шул сабаб ҳар кеч чиқар  
Ошиқ мисол осмонда ой.

Не ажаб, ўт кўзларингиз  
Қилса Чўлпонни хумор.  
Кошингиз орзусида  
Бўлгай хилол осмонда ой.

Ахтариб бир чора топмай  
Васлингизга етгали,  
Ерда кул бўлмиш Хабиб  
Куйган сопол осмонда ой.



## СЕНЧАЛИК

Хеч ким сени севолмагай.  
Дилдор, менчалик,  
Хеч ким мени ҳам этмагай  
Абгор сенчалик.

Хеч ким сенингча билмагай  
Нозу карашмани,  
Бир ноз учун ҳам бўлмагай  
Бедор менчалик.

Ишқ этмагай ҳеч кимсани  
Девона мен каби,  
Ё бир париваш йўқ эрур  
Хушёр сенчалик.

Йўқдир санам жон сўргучи бир  
Хуш нигоҳ билан,  
Ҳам турмаган жон бергали  
Тайёр менчалик.

Ишқ оламида йўқ эрур  
Мендек асиру банд,  
Маъшука ҳам ўз ишқига  
Иқрор сенчалик.

Хеч бир малоҳат кўрмади,  
Оlam сенингча, ёр,  
Васлинг билан ўз бахтига  
Ҳам ёр менчалик.

Хеч ўзга бахтни истамам  
Басдир менга Ҳабиб,  
Умрим йўлида бор экан,  
Ҳамкор сенчалик.

## КАМСИТМАГИЛ

Эр эсанг  
Ханжари  
Баски оғзинг

Эр зотини камситмагил,  
Е отини камситмагил,  
Болга етди, қил шукур,  
Үзга неъмат

Тотини камситмагил.  
Елкасин  
Томга чикқач

Гар тутмаса чиқмас эдинг,  
Шотини камситмагил.  
Кўзларинг  
Ерлисан,

Юлдузни кўзлаб қолдилар,  
Ер отини камситмагил  
Гоҳ сукут  
Сен Ҳабиб

Қилса ризолик рамзи, деб

Абъётини камситмагил



## ХУШБҮЙГИНАМ

Ўтдинг кўчамга нур сочиб  
Кунчехраи хушрўйгинам,  
Зулфинг ҳидига тўлдириб,  
Ҳар ённи эй, хушбўйгинам.

Хуш бўйларингдан маст бўлиб,  
Қолдим изингдан термулиб,  
Кетди сочинингга эргашиб  
Ақлу-хушим ҳам ўйгинам.

Ақлу хушим ҳам ўйгинам  
Шому-саҳар ёдинг билан,  
Васфинг этар ҳар лаҳзада  
Илҳому созу куйгинам.

Илҳому созу куй билан  
Йўл пойламоқ бўлди ишим,  
Ўтгаймусан бир бор яна  
Орастা, сарви бўйгинам.

Ўтсанг агар бир бор яна  
Кулбам сари қўйгил қадам,  
Шояд оёғинг гардидан  
Иқболга тўлса ўйгинам.

Гар ўзга илтифот санам,  
Сўрсам Ҳабиб, шаккок ўлай,  
Хонам нурафшон этганинг  
Ҳам байрамим, ҳам тўйгинам.

## СИЗНИ СОФИНСАМ

Кўнгилда мавж урар тўлкин,  
Нигорим, Сизни софинсам,  
Йўқолгай жон аро сабрим,  
Қарорим, Сизни софинсам.

Йўлингиздан узолмай кўз  
Кутиб ташрифингиз бесўз.  
Курир бу хаста жисмимда  
Мадорим, Сизни софинсам.

Орамиз бир қадам, аммо  
Етишмоқ қанчалар душвор,  
Туюлгай бепоён мўъжаз  
Диёrim, Сизни софинсам.

Эл ичра гарчи хандонман,  
Вале хушсиз, паришонман,  
Паришон куйлагай ҳатто  
Дуторим, Сизни софинсам.

Ҳазон фаслига хосдир бу  
Паришонлик, умидвормен,  
Бўлиб келгайсиз албатта  
Баҳорим, Сизни софинсам.

Менинг мангубаҳоримсиз,  
Вафода барқароримсиз,  
Шу боисдан баҳор мадҳи  
Шиорим, Сизни софинсам.

## ГЎЗАЛИМ

Сухбатинг этди асир дилни  
Киётлик гўзалим,  
Соғинурман эмди ҳар дам  
Сўзи тотлик гўзалим.

Ҳар сўзинг ширин ғазал,  
Чеҳранг ғазалдан ҳам гўзал,  
Лаҳза термилмоқ сенга —  
Оlamча шодлик гўзалим.

Кўп эрур оламда нозу  
Сўз ила хусну камол,  
Баридан аълосисан Юсуф  
Сифотлик гўзалим.

Туну кун фикру хаёлим  
Учадир сенга томон,  
Билмадим сангдилмисан ё  
Илтифотлик, гўзалим.

Сен меним, деб орзиқар  
Хониш билан бечора қалб,  
Сен меним бўл, Сен меним бўл,  
Қилма ётлик, гўзалим.

Ҳам малоҳат, ҳам фаросат  
Сенда бўлмиш муштарак  
Кўрқаман кўз тегмасин, қил  
Эҳтиётлик гўзалим.

Эҳтиёт айлаб сени қилдим  
Кўзу жонимга жо,  
Майли бўлсан эл аро мен  
Ёмон отлик, гўзалим.

## ИСТАК

*Камолиддин Раҳимовга*

Бўлибсан торга чин ошно,  
Мудом дастингда тор бўлсин,  
Ки торинг янграган ҳар  
Гўшада мангу баҳор бўлсин.

Диловар хонишингда акс этур  
Давронга шукrona,  
Гўзал даврон омон бўлсин,  
Азиз эл баҳтиёр бўлсин.

Азиз эл ўғлидирсан, шул  
Элингдай камтариң, дилкаш,  
Назар қилмиш сенга ҳалқинг,  
Назар ҳар лаҳза ёр бўлсин.

Чаманда лол эрур қумри  
Ажиб созу овозингдан,  
Агар рашик айлагай булбул,  
Кўй энди, шармисор бўлсин.

Не тонгким, сенга завқ берган  
Гўзал маскан Наманғондир,  
Қаерда бу киби бўстон,  
Бу янглиғ лолазор бўлсин?

Қачонки айласанг хониш  
«Камол топ!» дер жувону пир,  
Камолинг баркамол бўлсин  
Ва умринг пойдор бўлсин.

Бу санъат гулшани ичра  
Тузурсан беназир гулшан,  
Тиконни ким раво кўрса,  
Тиконларга дучор бўлсин.

Кўшиқ кўнгил зиёсидур,  
Кўшиқсиз дил зимистонмиш,  
Кўшиқ бирла хаётинг ҳам  
Нурафшон, шуъладор бўлсин,

Баҳористон диёрим мадҳини  
Куйлаш эрур баҳтинг,  
Диёрим мангубор бўлсин,  
Шу баҳтинг барқарор бўлсин.

Элим санъатни ардоқлаб,  
Дилин унга диёр айлар,  
Сенинг ҳам санъату исминг  
Учун диллар диёр бўлсин.



### УМРИНГ УЗУН БЎЛСИН

Жамолинг этди кўнглим маҳлиё  
Умринг узун бўлсин,  
Юзингдан кўзларим олмиш зиё,  
Умринг узун бўлсин.

Келардинг хуш табассум-ла  
Мунаввар айлаб оламни  
Бўлиб лол термулар еру само,  
Умринг узун бўлсин.

Кўриб чехрангда ўз аксин  
Куёш ҳайрону лол эрди,  
Табиат гул очиб айлар дуо:  
Умринг узун бўлсин!

Куёшнинг етти рангидан  
Олиб атлас кийибсанким,  
Намангон бўлди сен-ла бебаҳо,  
Умринг узун бўлсин.

Кутиб бир илтифотингни  
Йўлингда интизор барча.  
Тилар, бир бор қараб қўй, деб қиё,  
Умринг узун бўлсин.

Шулар ичра паришону  
Шулардек ташнадил эрдим,  
Эгиб бош айладинг таъзим бажо,  
Умринг узун бўлсин.

Нигохингга мұяссар этдингү  
Умрим узайтирдинг,  
Узун умримга ҳамроҳ бўл, аё,  
Умринг узун бўлсин,

Ажабланма, қуёшим, бу Ҳабиб  
Ҳамроҳлик истаркан,  
Хаётим бўлмасин сенсиз, сиёҳ,  
Умринг узун бўлсин!



## БИР БУРДА НОН

Хонадонингда йўғингни  
Бор этар бир бурда нон,  
Йўқ, эса дунёни кўзга  
Тор этар бир бурда нон.

Сен ҳаётдай англагил бир  
Бурда ноннинг қадрини  
Етмасанг қадрига бир кун  
Зор этар бир бурда нон.

Нон азиздир, нон — муқаддас,  
Қону қондошлиқ қадар,  
Душманинг ҳам бўлса дўсту  
Ёр этар бир бурда нон.

Нон — ҳалоллик, ҳам яралгай  
Ул ҳалол меҳнат билан,  
Ким ҳаром кўл урса охир  
Хор этар бир бурда нон.

Дилда эзгулик билан сен  
Нон ушат меҳмонгаким,  
Таъмадан, бойваччалиқдан  
Ор этар бир бурда нон.

Юртга меҳрим этгум изҳор,  
Кўлда нон ушлаб Ҳабиб,  
Элга содикликни менга  
Кор этар бир бурда нон.

## СИЗ ТУГИЛГАН КУН

Фарид дунё ганий бўлмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.  
Ажиб нур бирла йўғрилмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.

Ривож топмиш сизинг бирла  
Малоҳат мулки оламда,  
Бу мулк сарвар билан тўлмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.

Очиб оғзини гуллар лол  
Колибдир чехрангиз кўргач,  
Уятдан лолалар сўлмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.

Кўриб бу ғайри ҳолатни  
Ўзи йўргаклаб олмоққа  
Куёш кўқдан тушиб келмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.

Хасад курсин, кўриб сизни  
Чиқиб достону эртакдан:  
Парилар сочларин юлмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.

Уриб фарёд Бобо Машраб  
Чиқиб кетган Наманғонга  
Бари шоирлар интилмиш  
Азизим, сиз туғилган кун..

Бу дунёга Гўзаллик, Бахт,  
Мухаббат ахтариб келган  
Хабибининг омади кулмиш  
Азизим, сиз туғилган кун.



### БИР ГЎЗАЛКИМ...

Қай куниким, кун жамолинг  
Кўрди бу кўз дилрабо,  
Бўлди воҳки, бир кўнгил  
Минг бир балога мубтало.

Хусн бобида сенингдек  
Беназири бўлмагай,  
Хусн мулкин бўлса шоҳи,  
У қошингда бир гадо.

Бўйларингга жон тасаддуқ,  
Икки зулфингга жаҳон,  
Бир юзингга садқа хуршид,  
Бир юзингга ой фидо.

Гар икки қошинг қоқилса  
Жон нечун сўрмас нажот,  
Ул бири ҳукм айлагай,  
Ҳам ул бири килгай адо.

Бир кўзингда Чўлпон ўйнар,  
Ул бири Хулкармидир,  
Бир нигоҳингдан гариб  
Оlamга тўлғуси зиё.

Кумрилар қошингда лолу  
Андалиб ҳайрон эрур,  
Гар очиб сен ғунча лабни  
Айласанг ширин наво.

Орзу айлар хуру ғилмонларни  
Бу эл, воажаб,  
Оразинг кўргач дедим,  
Ризвон ўзингсан, маҳлико.

Бир нигоҳ-ла, жонни олдинг,  
Минг шукр қилдим, Ҳабиб,  
Боз нигоҳинг бирла этдинг  
Менга минг жонни ато.



## ҮРТАМИЗДА

Колса дердим ўртамизда зора гап,  
Бўлдику эл ичра ёр, ошкора гап.

Билмайин бир кун даҳандан чиқди-ю,  
Хар кулоқда янгради ногора — гап.

Битта нозик гап эди ул аслида,  
Хар оғизда шишди-ку, бечора гап.

Сизни оппоқ айлади юрт ичраким,  
Бизни қилмиш воажаб, қоп-кора гап.

Не ажаб, бўлмиш ғанимларга қурол,  
Этгали ошиқ дилим садпора гап.

Дилда турганда муқаддас ганж эди,  
Тилга чиққач этди кўп овора гап.

«Гап»ни ёздим гапчидан безор бўлиб,  
Колса энди ўртамизда зора гап.

6



## СЕН ЯГОНА

Азизам, сен ягона  
Гарчи шаҳримда санамлар кўп.  
Ўзинг танҳо, vale сендан  
Менга келмиш аламлар кўп.

Таманно-ла, ёниб ял-ял,  
Хиром этсанг чаман ичра  
Назар солгайми, деб кутган  
Умидвор, чашми наимлар кўп.

Бутун юрт ахли шайдодир,  
Бунингдек турфа савдодан,  
Сенинг бошингда ташвиш кўп,  
Менинг кўксимда ғамлар кўп.

Сенга жону дилимдан  
Ўзгароқ бир ганж тутолмасман,  
Оёғинг остига зарлар  
Сочурга шай ҳотамлар кўп.

Неча отлик аро ёлғиз  
Яёв келсам хузурингга.  
Кўриб ахволи зоримни  
Чапак чалган ҳакамлар кўп.

Ҳакамлардан, аламлардан  
Чўчиб ишқдан кечолмасман,  
Фақир бўлсам-да, мен мағрур,  
Бадавлат бўйни ҳамлар кўп.

Ҳабибнинг якка бу жони  
Ягона ёрга бахшида  
Азизам, сен ягона  
Гарчи шаҳримда санамлар кўп.

## КОШКИЙДИ

Кошкийди санам келсалару  
Ноз айласалар,  
Аввалги ситамларни биза  
Боз айласалар.

Минг бора шукрлар қылса  
Бўларкан у маҳал,  
Эй, дил нолидинг кўп, деб агар  
Оз айласалар.

Маъшуқа элин қадри яна  
Ошгуси эркан,  
Қошлар чимириб, қадларини  
Фоз айласалар.

Хеч қилма таажжуб магар  
Парвосиз ўтарлар,  
Ошиқлар этиб бошларини  
Роз айласалар.

Жабр айласалар сабр айламадинг,  
Кетдилар охир,  
Не тонгки, санамдар ишини  
Соз айласалар.

Кўнгилда тугун гунча бўлиб  
Қолди муҳаббат,  
Кўклам бу кўнгил мулкини бир  
Ёз айласалар.

Нодонлигидан бўлди дучор  
Хижронга бу жон,  
Жон дейди бугун чертмак учун  
Соз айласалар.

## ВОДИЙ ТАРОНАСИ

Бағри бўстон, шаъни достон  
Шу гўзал Фарғонадир,  
Демангиз Фарғона ким  
Бу уч ҳақиқ дурдонадир.

Осиёга кўрк таратган  
Кунжамол Фарғонада,  
Андижон қошу Намангон  
Мисли кўздай ёнадир.

Боги боғига туташмиш,  
Сув ичар бир дарёдан,  
Үртада ризқу рўзи, гўё  
Аҳил ҳамхонадир.

Кучга тўлган уч баҳодир  
Ундирап тупроқда зар,  
Кори истиқбол аталмиш  
Зап гўзал кошонадир.

Пахтакорлик касби бирдир,  
Аҳд ила паймони бир,  
Тоғ-тоғ хирмон уюшда  
Тенги йўқ мардонадир.

Болу қаймокдай-қўшилмиш  
Санъату ашъори ҳам,  
Бир-бирин тўлдургуси,  
Ҳам бир-биридан қонадир.

Бағрини ошён этиб қолса  
Баҳор мангу не тонг,  
Унга мангу бахти кулган  
Ўзбекистон онадир.

## СОЧИНГ АТРИ

Сочинг атридан аълорок  
Менга хуш ис топилмайдир,  
Сочингга мубталоликдан  
Лазизроқ ҳис топилмайдир.

Агар бир тола сочингдан  
Ширин кўрсам бу жонимни,  
Умр сочдай сиёҳ бўлгай  
Ва баҳт ҳаргиз топилмайдир.

Ажаб бир жонни боғлашга  
Этибсан сочни кирқ кокил,  
Берардим киркта жон, наилай,  
Бу жон ёлғиз, топилмайдир.

Сочинг кўнглимни банд этмиш,  
Бу банддан ҳеч ҳалос этма.  
Агар этсанг, адо бўлгум  
Ки мендан из топилмайдир.

Бу олам мулкида кўпdir  
Сочингга маъжлиёлар, лек,  
Хабиб янглиғ садоқатли  
Бирор муҳлис топилмайдир.



## СОФИНИШ

Ҳар он висолинг кўйида  
Жон бекарор эрур,  
Етгунча то бу ошиғинг  
Беихтиёр эрур.

Азми сафар этган чогим  
билимай қолибману  
Сен бўлмасанг магрур бошим  
Ҳар ерда хор эрур.

Лол қолдириш истар мени  
Не-не малоҳатлар,  
Лекин сенга бас келмайин  
Моту бекор эрур.

Оҳ, сен билан боғлиқ экан  
Умрим, умидләрим,  
Сенсиз жоним йўқдир маним,  
Жисмим девор эрур.

Арзимни айтиб ҳар нафас  
Хуш суратингга,  
Софинганим изҳор этиш  
Ҳар кунги кор эрур.

Минг шукр этай, битмиш сафар,  
Хижрон тугар, Ҳабиб,  
Етгум кошингга тонг билан  
Бахтим ҳазор эрур.

## ҚОЛСА БАС

Майли кетсин хону моним  
Менга жонон қолса бас,  
Исми жонон, асли эрса  
Жисм аро жон қолса бас.

Жисм аро жон ёрга қурбон  
Отса мужгон ўқларин,  
Бир табассум, бир тараҳхум,  
Аҳди паймон қолса бас.

Аҳду паймон этди дилбар  
Мангу дилдор бўлгали,  
Ох, ишондим ваъдасига  
Дилда имон қолса бас!

Дилда имон бўлмагунча  
Ишқда омад кулмагай,  
Гарчи омад кулмагай  
Ишқ дилда пинҳон қолса бас.

Пинҳон ишқим ошкоро  
Бўлди дўстлар, эл аро,  
Мафтуну шайдолигимдан  
Элда достон қолса бас.

Бизни шайдо айлаган ёр  
Васл уйини тарк этар,  
Йўқ, ялинмам, дебоки зинҳор:  
Аҳди ёлғон қолса бас!

Аҳди ёлғон кетса кетсин,  
Тутдим оламни Ҳабиб,  
Менга ишқу баҳт макони  
Гул Намангон қолса бас!

## МЕНИНГ БАХТИМ

Менинг бахтимга, жононим,  
Жаҳонда борлигинг боис,  
Агар кўксим эрур тоғдек,  
Дилимга ёрлигинг боис.

Дилимга ёрлигинг бирла  
Нурафшон этдинг умримни,  
Етурман ҳар на орзумга  
Сенинг ҳамкорлигинг боис.

Табассум ёнса чеҳрамда,  
Эл ичра қадди ғоз юрсам,  
Аташса бахтиёр мағур,  
Асал гуфтөрлигинг боис.

Гадо ишқ ихтиёр этса  
Эмиш юксак шаҳаншоҳдан,  
Агар шоҳдан буюқдирман  
Йўлимга зорлигинг боис.

Рақибим кўнглимга тушса  
Ададсиз рашк, адватлар,  
Менга мунис, менга дилбар,  
Менга дилдорлигинг боис.

Маломат тошларин отса  
Ғанимлар, қилмасам парво,  
Сенинг содик, сенинг ғамхўр,  
Сенинг хүшёрлигинг боис.

Ҳабиб шоир эмас, эркам,  
Сенга шайдойи ошуфта,  
Ғазал ёзсан демак билки,  
Сўзи ашъорлигинг боис.

## БИР НИГОХ

Бир кўрсатиб жамолинг,  
Эй соҳиби малоҳат,  
Олдинг ҳаловатимни  
Рўй берди ғайри холат.

Қайдан нигох ташлаб,  
Килдинг ширин табассум,  
Шу лаҳзадан кўнгилда  
Бошланди бир қиёмат...

Кўз нурим изларингга  
Мисли губор илашди,  
Турган еримда қотдим,  
Жилмокқа йўқ жасорат.

Бу қандайин синоат —  
Ақлимни лол этди,  
Бошимга тушди билмам,  
Савдоми ё муҳаббат?!

Найлайки журъатим йўқ  
Изҳор этарга ҳолим,  
То келмагай малолим  
Айлаб сени хижолат.

Исминг аташга кўрқиб,  
Пинҳон куйиб юрарман,  
Пинҳон куярга, жонон,  
Бер, лоқал ижозат.

Оҳ, қанчалар яширсам,  
Беҳуда кетди чоги,  
Аҳли Намангон ичра  
Шайдолигим ҳикоят.

## ЮРАККА ХИТОБ

Юрак, шеърсиз қолибсам, айт,  
Ва ё тондинг ёнишданму?  
Ва ё булбул каби толдинг  
Саҳар чоғи хонишданму?

Висол айёмини қўмсаб  
Чекардинг нола-ю; афғон,  
Висолдан маст-аластлик бу,  
Ва ё ишқдан тонишданму?

Висол ширин, висол тотин  
Ғазалга сиғдиролмасдан  
Бўлиб ёр зулфига банди  
Узун тун тўлғонишданму?

Париваш таърифин шеърга  
Солишдан тўхтадинг, не сир,  
Бировлар калбига ўтлар  
Ёқишидан кизгонишданму?

Юрак, шеърсиз сўник шаъмсан,  
Бирор дам тинмагил зинҳор,  
Ёнишдан ҳам, хонишдан ҳам  
Саҳарлар тўлғонишданму...





## ШАРАФ

Ўзбекистон, эътиқодим —  
Сенга ўғлонлик шараф.  
Бир тўкин боғдирки бағринг;  
Унда боғбонлик шараф.

Мен кезиб чексиз жаҳонни  
Шону шуҳрат истамам  
Бўлганим ўзбек — буюк шон,  
Ўзбекистонлик — шараф!

Сен менинг кўнглимга солдинг  
Осмоннинг кенглигин,  
Багри кенглик одатимдир,  
Танти мезбонлик шараф.

Яхши меҳмон бошим узра,  
Нону тузнинг қалрига  
Етмаганлар келса ногоҳ  
Зирху қалқонлик шараф.

Не илож, шаънингни булғаб,  
Ношукур фарзандларинг,  
Қилдилар покликни поймол,  
Бўлди увонлиқ — шараф.

Тўртта ғумроҳ кори боис  
Отсалар тош боғингга,  
Мен нечун оҳ урмай, ўлкам,  
Топса гапдонлик шараф?!

Кўлларинг кўксингда доим,  
Бош эгик, қаддинг букик,  
Сенга бундай хуштавозе  
Олий инсонлик шараф.

Олий иқсанлик билан сен  
Барқарорсан, барқарор,  
Барча ҳалқлар бирла тенглик,  
Дўст қадрдонлик шараф.

Дўст — қадрдонлар қошида  
Үпди байроғинг Ҳабиб,  
Сенга посбонлик шараф деб,  
Сенга қурбонлик шараф!



## ШЎХ

Кўнглимни асир этган ўшал  
Нозли гўзал шўх,  
Ул қоши қалам, чашми чарос  
Лаблари лаъл, шўх.

Кўзларда сехр, нозда сехр  
Боқди қиёлаб,  
Бир ғамзаси жон мулкин асир  
Этди тўгал, шўх.

Жон мулкига, тан мулкига воҳ  
Бўлди у соҳиб,  
Чимрилди кетурман дея шул  
Бахтли маҳал, шўх.

Ёшликми ва ё нозимикан  
Мунча ситамгар,  
Бир менгамикан шунча ситам  
Ёхуд азал, шўх.

Шўхликлари ҳам ҳуснига зеб,  
Ёшига монанд,  
Дил ўйнатадир хуш килиғи  
Бўлса-да сал, шўх.

Дил ўйнамаса, ёнмаса жон  
Севги бўларму?  
Оҳ, нози билан ёндирадир  
Севса ўшал, шўх.

Шукр айла Ҳабиб, севгисига  
Этди мўяссар,  
Ёр шўхлигини таъриф этиб,  
Бўлди ғазал, шўх.

## ОШИҚ ЭСАНГ...

Агар ошиқлигинг ростдир  
Дегайлар: хону-мондан кеч.  
Мұхаббатнинг бозори йўқ,  
Демак суду зиёндан кеч.

Назар солмас эса ёринг  
Кўлингда сийм ила зарга  
Барин тарк эт, «топилгайму?»  
Деган фикру гумондан кеч.

Агар шоҳонадир қасринг,  
Нигоринг босмаса одим,  
Фақирлик ихтиёр этгил,  
Фарид ул ошёндан кеч.

Санамлар севги бобида  
Садоқатни билур афзал,  
Садоққат йўлида сўрса,  
У жисми нотавондан кеч.

Агар жисминг қилур камлик,  
Висол умидида ошиқ,  
Тутиб ушшоқ йўлин сен ҳам  
Ўшал шайдои жондан кеч.

Кўлингдан келмаса кечмок  
Ўзингдан, жисму жонингдан,  
Демак қўнглингда ишқ йўқдир,  
Умрдан кеч, жаҳондан кеч.

## НОЗЛИГИМ

Нозлигим, нозинг мени  
Мажнунча ҳайрон айламиш,  
Тинчтина дил мулкида  
Воҳ-воҳ, не тӯфон айламиш.

Ой жамолинг кўргузиб,  
Кўнглимда қилдинг инқилоб,  
Кўзларимни йўлларингга  
Ишқ нигорон айламиш.

Лабларинг кўргач кечибман  
Сайри боғ орзусидан,  
Чун дудоғинг ғунча ҳолин  
Лол, паришон айламиш.

Лолаларни доғда қўймиш  
Юзларинг кирмизлиги  
Балки шундан токқа қочмиш  
Тарки ошён айламиш.

Ихтиёrimни олибсан,  
Бир ширин сухбат билан  
Энди ҳар кун сухбатингни  
Кўнгил армон айламиш.

Арзи ҳол айтса Ҳабибинг  
Кулма холимдан гўзал,  
Ишқда куймай қайси шоир  
Шеъру девон айламиш?!

## ЭТМИШ

Табиат гул Намангонни  
Макони офтоб этмиш,  
Макони офтоб ичра  
Сени бир моҳитоб этмиш.

Сенингдек моҳитоб ишқи,  
Дилимни ошён айлаб,  
Таним оромдан айрилмиш,  
Кўзим ҳам тарки хоб этмиш.

Кўзим ўнгига ҳар лаҳза  
Кўзинг порлайди юлдуздек,  
Қаро қошинг қароликда  
Қаро тунни хароб этмиш.

Қаро тун демагил, балки  
Юзинг кўргач хижолатдан,  
Куёш ўз чехраси узра  
Узун сочин никоб этмиш.

Узун сочингни чайдингму  
Намангон сойида, дилдор,  
Унинг атри Намангонсой  
Сувин мисли шароб этмиш.

Шароб ичган кишилардек  
Кўйингда маству ҳайронман,  
Бу ишқ жонимга минг лаззат  
Ила минг хил азоб этмиш.

Мухаббат аҳлига эшdir  
Азобу лаззату зорлик,  
Мухаббат достонига  
Ҳабиб умрини боб этмиш.

## ЭЛ ИЧРА ТАЪРИФИНГИЗ...

Эл ичра таърифингиз  
Бўлмиш ширин ҳикоя,  
Йиллар ўтар ва лекин  
Билмас ҳамон ниҳоя.

Хар тилда мақтовингиз,  
Хар дилда орзумандлик,  
Бир сизга эргашурлар  
Минглар мисоли соя.

Кизлар дилида исён  
Ул доми ишқингиздан  
Шайдо йигитларини  
Қилмоқ учун химоя.

Ўз ҳалқининг бошига  
Ёғдирганини ғавро.  
Билғанмикин Намангон  
Бўлганда сизга доя?!

Рашку ҳасад балоси  
Сизни қулатмагай, деб  
Кўксимни айлагайман  
Хар лаҳза мисли қоя.

Сизни севишку мумкин,  
Душвор сизга етмок,  
Ким ҳам қўёшга етмиш?  
Кўнглимда шул риоя.

Сизга фидолигимга,  
Багри адолигимга  
Жонбахш кўзларингиз  
Бир бокиши кифоя.

## ЭЙ, ҲАЁТ

Мардингни қилма, эй, ҳаёт,  
Номардга рўбарў,  
Номардни этма бир нафас  
Жўмардга рўбарў.

Бир мард топар химмат билан  
Минг дардга ҳам даво,  
Номард қилур ўз кори-ла  
Минг дардга рўбарў.

Мард ювса олам тарзидан  
Гарду губорини,  
Номард иши этмоқ уни  
Боз гардга рўбарў.

Қай бир кўнгил бўлмиш яра  
Номард пандидан,  
Этгил уни бир мен каби  
Ҳамдардга рўбарў.

Умрим йўлида айладинг  
Мардларни менга дўст,  
Душманни ҳам кўрсанграво  
Эт мардга рўбарў.



## ИШҚИНГ МЕНИ...

«Юсуф ва Зулайҳо» музикали драма-  
сидан Зулайҳо ва қизлар қўшиғи)

Қизлар:

Айламиш ишқинг мени  
Девонадин девонароқ,  
Бўлмишам мардум аро  
Афсонадин афсонарроқ.

Зулайҳо:

Қай куни тушди кўзим  
Ул икки нарғиз чашмингга  
Шул замондин аҳволим  
Мастонадин мастонароқ.

Қизлар:

Ишқ аро нақл айламишлар  
Шам ила парвонани,  
Шами хуснингга бу жон  
Парвонадин парвонароқ.

Зулайҳо:

Нолаю афғон чекиб  
Қадди ниҳолинг истарам,  
Йўлларингда кўзларим  
Гирёнадин гирёнароқ.

Қизлар:

Бир нигоҳинг бирла ёр  
Солма эди кўнглимга ўт,  
Шул ўт ичра бор вужуд  
Сўзонадин сўзонароқ.

Зулайҳо:  
Луфт этиб келсанг кошимга  
Розиман дил гавҳарим,  
Бўлса жисмим йўлдаги  
Остонадин остонарок.

Зулайҳо ва қизлар:  
Айламиш ишқинг мени  
Девонадин девонарок,  
Бўлмишам мардум аро  
Афсонадин афсонарок.



## ЧУСТ БОФИДА

Чуст элин қалбига кўзгу —  
Чин гулистондир бу боғ,  
Танти гулкор меҳрин эмган  
Турфа бўстондир бу боғ.

Хуш ҳавоси дил қитиклаб  
Чорлагай ўз бағрига,  
Кўксини меҳмонга очган  
Танти мезбондир бу боғ.

Ҳар гулида оқибат жам,  
Ҳар дарахти соябон,  
Чашмадан сизган ариқлар —  
Куйчи хушхондир бу боғ.

Пар гиламлар узра давра  
Қурса доно кексалар,  
Чойхона тўлгай фусунга  
Давру — даврондир бу боғ.

Хуш такаллув бирла тутгай  
Нону қанд чойхоначи,  
Бир пиёла кўк чойи  
Минг дардга дармондир бу боғ.

Басма-басга айрашурлар  
Жўр, саъва, бедоналар,  
Андалибга дарс ўқитган  
Катта достондир бу боғ.

Мен боғ ичра кезганимда  
Үтдилар хандон отиб,  
Бир гурух бокира қизлар  
Воҳки жонондир бу боғ.

Гар шу қизлар ишвасидан  
Кетса ақлу кетса жон,  
Хеч ўкинма ошиқ аҳли.  
Васлу боз жондир бу боғ.

Кўрк-тароват борасида  
Минг беҳишт афсонадир,  
Хуснига тўймай ўзи хам  
Лолу ҳайрондир бу боғ.

Неки ҳислат хос элимга  
Бунда жамдир, эй, Ҳабиб,  
Мисли суратта олинган  
Ўзбекистондир бу боғ.

## БИЗДАН ГУНОХ

Эй, марҳаматли нозанин,  
Сиздан узр, биздан гунох,  
Хаддан ошиб этдик бугун  
Бир илтижо Сиздан нигох.

Қаҳр этмангиз бундок карам  
Гар бўлса бизга нораво,  
Луфт айлаган гуломига  
Хаттоқи золим подишох.

Биз мулки ҳуснингизга қул,  
Ишқингиз этмиш бир гадо,  
Бўлгай эдик ганжга дучор  
Кўрсак юзингиз гоҳи-гоҳ.

Ойлар ўтиб, ийллар ўтиб,  
Олий назарга кирмадик,  
Кўнгилга тўлди гуссалар  
Кўкларга етди оху-воҳ.

«Шундай гўзал замонада  
Хеч борми оҳ-воҳга ўрин?»  
Таъна қиласар бедардлар  
Зимдан қазиб ошиққа чоҳ.

Гарчи замона янгиdir,  
Ошиқда дард бир хил эрур  
Илк ибтидодан то ҳануз  
Ушшоқ эли бунга гувоҳ.

## ҚАСИДАЛАР

### АЁЛЛАР

Бу олам бўлмасин маҳрум  
Дебон кўрку тароватдан.  
Табиат Сизни кашф этмиш  
Ажиб сирли маҳоратдан.

Жаҳонда қай куни ял-ял  
Намоён бўлди чехрангиз,  
Ўшал кундан бу дунё  
Яшнади, кулди малоҳатдан.

Заминда ой каби порлаб,  
Куёшдай шуъла сочмишсиз,  
Биёбон ерда гул унмиш  
Сиз инг нурдан, ҳароратдан

Сизинг нурдан, ҳароратдан  
Хаёт бошланмиш оламда,  
Хаёт бошланмиш оламда  
Тугилган илк муҳаббатдан.

Муҳаббат кўзга нур бермиш  
Ва тинч қонларни қайнатмиш  
Йигитлар ўргилиб қолмиш  
Хаётбахш ул латофатдан,

Латофат-ла этиб шайдо  
Ситам бўлганда корингиз,  
Тикибдир жонни ошиқлар  
Ўгирмай юз риёзатдан.

Риёзат чекмаган ошиқ  
Висол қадрига етмас, деб,  
Солиб жонларни ўтларга  
Синабсиз сабру тоқатдан.

Синовлардан ўтиб аъло  
Қозонмиш меҳрингиз эрлар,  
Шу тақлид баҳраманд бўлмиш  
Висолдан ҳам садоқатдан.

Висолингиз — мудом матлаб,  
Висол уммиди қудратдир,  
Висол йўлида мард одам  
Кечур минг тахту давлатдан.

Висол — Сизсиз, Мухаббат — Сиз  
Ватан ҳам, эътиқод ҳам Сиз,  
Вафо ҳам — Сиз, Бақо ҳам — Сиз,  
Лазизсиз барча неъматдан.

Лазизсиз барча неъматдан  
Шу боис жанг-жадалларда  
Йигитлар куч олур Сизлар  
Ато этган жасоратдан.

Жасоратларга доҳилсиз  
Тагин мардликка мойилсиз,  
Ҳалос этмоқни истайсиз  
Бу оламни қабоҳатдан.

Азиз ёр — сиз, вафодор — Сиз,  
Ҳаёткор волида — гамхўр  
Бу оламда тириклик ҳам  
Сизинг чексиз саховатдан.

Гўзал ҳам Сиз — газал ҳам Сиз,  
Азал илҳом париси ҳам.  
Гўзалликлар, тугалликлар  
Сизинг нозу назокатдан.

Сизингсиз бօғ биёбондир,  
Сизингсиз уй зимишондир,  
Сизингсиз бу ҳаёт маҳрум  
Фарогатдан, ҳаловатдан.

Тўкин баҳт — Сиз, ширин аҳд — Сиз,  
Йигитга сўнгсиз омад — Сиз  
Нигоҳингиз муқаддасроқ  
Кирк йиллик ибодатдан.

Сизингсиз офтоб сўнгай,  
Ўчар кўк узра юлдузлар  
Омон бўлгайсиз асраш-чун  
Жаҳонни бу қиёматдан.

Қасидам битди,  
Васфингиз  
Агар эплолмаган бўлсанам,  
Тутиб маъзур Ҳабибни  
Кутқарингиз боз хижолатдан.



## ИФТИХОР

### I

Намағон вилояти ташкил  
төнганининг ярим асрлик  
түйида ўқиганим

Ассалом, она юрт, азим Намангон,  
Сен яна боиси назм Намангон.  
Мадҳингга созланди созим, Намангон  
Кўп ўрнида кўргил озим, Намангон.  
Асрларга тулаш тарихинг сенинг,  
Шоҳ достонга мавзу таърифинг сенинг.  
Эй, Бобур олисда соғинган диёр,  
Машраб каъба янглиғ сиғинган диёр,  
Фазлий камолига бешик бўлган юрт,  
Нодим жамолидан илҳом олган юрт.  
Кечиб мартабадан Сўфизодаси  
Шоҳликка тенг кўриб ютум нафасин —  
Бағрига отилган муқаддас гўша...  
Шеърият кўкида чақмоққа ўхшаб  
Оlamни бир лаҳза буркаган нурга —  
Усмонни йўргаклаб олган шуурга  
Ашъор бобида бир бўстон Намангон,  
Саҳнада дилрабо, хушкон Намангон.  
Дерлар: жаннат сендан олмиш андоза  
Қалбинг ҳам осмонинг янглиғ пок, тоза.  
Богингдан эсган ел болдай мазали  
Шундан дилрабодир Чустий ғазали.  
Шундан домла Шўхий овози ширин,  
Нурий байтларига меҳриниг яширин,  
Рафиқ, Жасур шеърин ўйноқ, шўхлиги.  
Турғун Пўлат насрин мағзи тўклиги,  
Йўлдош Шамшар ўғли порлатган «Чирок»,

Шундан Зафар Диёр овози янгрок.  
Шундан Парда Турсун илҳоми жўшқин,  
Улуғзода олмиш носирлар кўшкин.  
Шундан Азиз Турсун беғуборлиги  
Акрам Қодирийнинг лутфга ёрлиги.

### X X X

Кимки қучоғингда очмиш кўзини,  
Нафосат боғида кўргай ўзини.  
Гул атри қитиклаб уйғоттай уни  
Эзгулик илмига ўргаттай уни.  
Димоғига шеърдай туюлгай ҳавонг.  
Кулоғига шеърдай қуолгай ҳавонг.  
Чинний пиёланинг жарангисимон  
Хур қизлар сасидан ёришгай осмон.  
Ажиб лахжасида газалий оҳанг  
Чехраси-ла қуёш талашади ранг,  
Сен ато этганинг кўрку тароват,  
Ҳар йигит қалбига солгай муҳаббат.  
Шу ишқ бир умрга шайдо айлагай  
Шайдо этиб шеърга ошно айлагай.  
Баски ушшоқ элин кори бўлгач ох,  
Қучоғингда шоир бўлмаслик гуноҳ.  
Шу боис қизиса шоирлар базми,  
Ўзгача жаранглар Ҳусниддин назми.  
Ҳар кимки ўқиса Тоҳир Қаҳҳорни  
Қишида ҳам туяди кўркам баҳорни.  
Аҳмад Тошхўжанинг фалсафасида  
Ахсикент шаънига янграр касида.  
Ҳамюрт шоирларга бўлиб жўровоз,  
Юртим, кучоғингда янграр шеърий соз.  
Бунда Нур Бобонинг овози ўйчан.  
Эргаш гоҳо хазин, гоҳида шўхчанг,  
Эрмаматнинг назми йўғрилган ишққа,  
Faффорий шаънингни солар қўшиқка.

Дил тортар Санобар лафзи қандлиги,  
Ёкуб Ахмаджоннинг донишмандлиги.  
Мадҳингни куйловчи шоирлар аро  
Бўлиб битта фарзанд, битта фуқаро  
Мисоли боғ ичра шайдо андалиб  
Васфингнинг шарҳига кўшилгай Ҳабиб.

II

Ассалом, она юрт, азиз Намангон,  
Умрим қучоғингда лазиз, Намангон.  
Асрларга туташ тарихинг аро,  
Шоҳ достонга мавзу таърифинг аро  
Умринг китобидан бўлиб бир сатр  
Бугун ярим аср жамол кўрсатур.  
Эллик йил муқаддам вилоят бўлиб,  
Бирлик, уюшқоклик ҳидоят бўлиб,  
Олтин водий ичра қайта туғилдинг,  
Юксалиш орзуси билан йўғрилдинг.  
Янгича бошланди ўшал баҳоринг...  
Во дарис!  
Баҳоринг тўнғич наҳори  
Тиник осмонингни қоплади булат —  
Ногаҳоний уруш!  
Ларзада эл, юрт!  
Гўё саратонни босди қаҳратон,  
Ҳам зимистон бўлди чароғон осмон,  
Бузилди оламнинг ороми, тинчи,  
Фазабга айланди диллар севинчи.  
Мунгайиб колдилар гуллаган боғлар.  
Қовоқ уйиб олди мўйсафид тоғлар,  
Бошлиган қўшиғинг бўғзингда қолди.  
Қўлга тор ўрнига шамширинг олдинг,  
Садоқат кўрсатиб элга. Ватанга

Саксон минг ўғлонинг отланди жангга.  
Ватан — муқаддасдир, Ватан — Намангон,  
Зинхор бўлғанмагай чаман Намангон,  
Табаррук номингни шон, байроқ билиб,  
Қасос киличи-ла ёв кўксин тилиб,  
Намангон фарзанди неларга қодир —  
Жангларда кўрсатди не-не баҳодир.  
Паҳлавон Солижон, полвон Набижон,  
Қилич Мамашариф, Файзулло ўғлон,  
Чакмок Абдусаттор, мард Ҳолмат Жалол,  
Фанижон, Сейтнеби тутганда қурол —  
Осмонга ўрлади душманнинг доди.  
Қаҳрамонлик бўлди улар ижоди.  
Фашист додин берган ўғлонлар сафи,  
Химоя қилди эл ва юрт шарафин,  
Сен мағрур, заҳматкаш, қасоскор она  
Буюк жанг йиллари туриб мардона,  
Мехру саховатинг этдинг намоён  
Боринг зафар учун тутдинг, Намангон.  
Ўзинг яrim очу парча нонингни,  
Қазнок бурчидаги сўнгги донингни,  
Баҳам кўрдинг не-не муҳтоjlар билан,  
Нажот истаб кёлган ноиложлар билан.  
Кувғин тоторларни бағрингга олдинг,  
Алами борларни бағрингга олдинг.  
Овруподан келган қуриган силла,  
Муштипар кампирлар, етимлар, туллар  
Кучогингдан тоғди иссиқ бир макон,  
Оқибат, ҳамдардлик ҳамда бурда нон,  
Гарчи кўрсатсанг ҳам Хотамча химмат,  
Юзига солмасдан, қилмасдан миннат,  
Бағрингда эллик йил сақлаб келасан,  
Ким хурсанд, ким нонқўр ўзинг биласан...  
Сенга бағрикенглик азалий удум  
Химмат, саховатинг билмайди худуд.

Асло тарқ этмагай сени бу одат,  
Химмати борларга ёр бўлур омад.

### III

Эллик йил бир нафас боқий тарихга,  
Аммо сен босган йўл сифрас таърифга  
Ғалабалар билан, армонлар билан,  
Омад, омадсизлик, нуқсонлар билан,  
Гоҳ қулиб, гоҳ йиғлаб улгайдинг юртим,  
Барibir шарафга чулғандинг юртим.  
Болга тўлиб борди сахий боғларинг.  
Бағрин очиб борди сирли тоғларинг,  
Шифо сувин тутди шўх булокларинг,  
Тароват касб этди шўр қишлоқларинг.  
Бугун бойликларинг санамайман, йўқ,  
Тавсифинг менсиз ҳам аёндир тўлик.  
Кўрку камолингга умрин сарф этган,  
Кучин, ақлин, қалби кўрин сарф этган,  
Азamat ҳалқингга қиласман қуллук.  
Пурхиммат ҳалқингга қаласман қуллук.  
Мен қуллук қиласман бобо деҳқонга.  
Ризқим ижодкори чўпон, боғбонга.  
Намангон тамғали маҳсулот билан,  
Оламга танилсанг яхши от билан,  
Довруғингга боис ишчига таъзим.  
Шаънинг улуғлаган кишига таъзим  
Номинг тилга тушса етти иклимда  
Бу унинг ижоди, меҳнат, ақлидан.  
Ижодкор ҳалқингга омад, ёр бўлгай.  
Ҳар ишида тангри мададкор бўлгай.  
Сен унинг қонига тантилик қўшдинг,  
Шу боис қалбидаги ҳамият жўшди.  
Шу боис одати бўлди яхшилик,

Умр йўлларида кулди яхшилик,  
Шу боис мақсади бўлди гўзаллик,  
Нафосат, тароват ҳамда тугаллик,  
Олов муҳаббатинг ғайрат бахш этди,  
Қалбига химматни мангу нақш этди.  
Сен уни кафтингда тутганинг сари  
Сени улуғлади кўкка кўтариб.  
Шу боис сен бўлдинг зако макони  
Не-не арбобларнинг парвоз майдони.  
Улар сенга меҳрин бахш этди, десак.  
Сен ҳам бердинг, улар умрига безак.  
Бугун боғларингда ўйчан кезаркан,  
Акмал Икромовнинг руҳин сезарман.  
Бегубор, шиддаткор ёшлигин излаб,  
Гўё учиб юрар осмонинг узра.  
Сен севиб ардоқлаб бағрингга олган,  
Не-не дарғаларнинг излари қолган  
Эллик йиллик умринг сахфаларида  
Яъни юрагингнинг қаъри — қаърида  
Уста наққош битган зўр зарҳал бўлиб,  
Ҳар одимда битта чўнг ҳайкал бўлиб,  
Кўкрак кериб туар улар меҳнати,  
Сенга тушган меҳри, берган зийнати.

Тўнгич дарға бўлмиш Каримжон Муқим  
Қалбингнинг тўрида сакланар муқим.  
Турсун Қамбар ўели, Абдулхай Тоҳир,  
Сирож Нуриддинни унумас хотир.  
Ҳануз эл такрорлар бўлиб миннатдор  
Асадулло Хўжа номини юз бор.  
Ҳамон орттиради элнинг ҳайратин,  
Ориф Олим ўғлин девкор ғайрати,  
Нуриддин Акромнинг заковати ҳам,  
Назир Ражаб ўғлин жасорати ҳам,

Мирзо Иброҳимнинг эгилмас боши.  
Маҳкам Камолзода метин бардоши.  
Бўри Олламурод — Бойсун фарзанди,  
Бўлиб қолди сенинг асл дилбандинг.  
Булар юрагида сенинг меҳринг бор,  
Сенинг бағринг ичра улар кўри бор.  
Улар қучоғингда касб этиб камол  
Парвоз айлаганлар зўр бургут мисол.  
Эй, сен бургутларга қанот берган юрт.  
Эй, сен муҳтоҷларга нажот берган юрт.  
Ҳалоллик касб этса тузинг ичғанлар,  
Дилда олиб кетса тузинг ичғанлар.  
Нечун мақтамайин кўрсатиб викор,  
Нечун номинг атаб қилмай ифтихор?!  
Осонми асрармоқ дилкаш аҳбобни,  
Осонми ўстирмоқ шунча арбобни.  
Она Намангоним, мақтансанг арзир,  
Сенга инсон зотин авайлаш фарзdir.

#### IV

Элликка тўлибсан она вилоят.  
Номинг эллар аро тотли ҳикоят.  
Гўё ўн икки гул боғланган даста  
Тароватинг кўриб олам ҳавасда.  
Намангон бош кентинг ва ўн бир туман,  
Кай бирин атасанг тотланур сухан.  
Сени балолардан асрармоқ учун  
Оппоқ қордан кўйиб бошига тугун,  
Попнинг теграсида ястанмиш тоғлар,  
Шу боис ҳар поплик ўзни тоғ чоғлар.  
Арзигай тоғ каби тутса кўксини  
Ҳеч қандай курашда қолмас ўксиниб.  
Қадимиий Чуст ётар бир ёнбошида

Санъатин қўндириб эрлар бошига,  
Йигитлар белига ярашган ярок  
Бу туман устаси ясаган пичок.  
Хайкириб оқаркан тезкор Косонсой,  
Косон таърифини куйлар ҳойнаҳой,  
Бу диёрда бир кун ичганида чой  
Қаҳҳор деган эди «Бу ерни худой  
Ўзига асрраган бўлса ажабмас,  
Ха бунинг олдида жаннат ҳеч гапмас».  
Куёшинг ранглари, асалнинг totin  
Борки табиатнинг санъат, бисотин.  
Жоноқи олмалар ичига жойлаб,  
Яшнар Янгиқўргон тўлишган ойдай.  
Чорток чашмасида минг дард давоси,  
Ёшлик бахш этади руҳбахш ҳавоси.  
Балиққўл покликдан ўргатур сабок.  
Дўстлик, инокликдан ўргатур сабоқ.  
Дўстлик ва иноклик неларга қодир  
Бу сирни Учқўрғон кўрсатаётир.  
Сахий хазинага айланган чўллар,  
Омон бўлсин ахил, қабарган қўллар.  
Икки дарё аро ястанган диёр.  
Норин туманининг ўз ҳислати бор.  
Лафзи қасамдай зўр инсонлар бунда  
Мағлублик билмаган полвонлар бунда.  
Шаҳарга узатиб битта кўлини,  
Равон яқин қилиб эллар йўлини.  
Ястанмиш тадбиркор азамат Уйчи.  
Шайдо бўлар келган шоиру куйчи.  
Тўралар кўрғони Тўракўргоннинг  
Бобур ғазалидай тоза виждони.  
Шаҳанд ишкомидан узум еган зот  
Унутмас бу юртнинг таъмин умрбод  
Намангон аталмиш қадимий макон,  
Эрур ҳикматга кон, фазилатга кон.

Анор анжирларин мақтамай майли,  
Машхурдир азamat дәхқон туфайли.  
Биродарлар аро кенжә Задарё,  
Күш учса қаноти куйган чүл аро.  
Инсон закосига бўлиб бир ҳайкал  
Кун-бакун касб этар кўркамлик, сайқал.

Ўнбир оғайнисин ёнига олиб  
Гўзалликка шайдо, имонга толиб,  
Камолот касб этиб шаҳрим Намангон,  
Ўзбекистон ичра бўлгай намоён.  
Унга ярашмишдур кўрку тароват,  
Унга хосдир ҳиммат, дўстлик, садоқат.  
Мехмонига тутиб қаймогу қатик.  
Яна исирикни обдон тутатиб,  
Ёмон кўздан асраб азиз меҳмонни,  
Тенгсиз хилқат санаб ҳар бир инсонни,  
Авайлагай доим кўз қароғидай.  
Шу боис барака кетмас бояидан.  
Мисоли ўн икки ахил биродар.  
Мисоли бир қалбга эга бир одам.  
Бугун заковатга кувватга тўлиб,  
Манзилга интилган полвондай бўлиб,  
Юртим, йўл оласан истиқбол томон,  
Тилагим бошингда тинч бўлсин осмон.  
Истайман йўларинг ярқироқ бўлсин,  
Яқину орзунгдай ёрқин, оқ бўлсин  
Чекинсин учраган ҳар қандай ғовлар,  
Шаҳдингдан мот қолсин ғанимлар, ёвлар,  
Ҳалкинг чеҳрасини хушвақт кўрайин,  
Ҳар бир хонадонда қўш баҳт кўрайин,  
Эзгу армонларинг ушалсин, дейман,  
Қадамингга гуллар тўшалсин дейман,  
Бугун эллик ёшли тенгдош авлодинг

Кўрган аламлари, чеккан фарёди,  
Тарих бўлиб қолсин кўрқинч туш мисол,  
Энди фақат, фақат ёр бўлсин икбол.  
Фарзандлар бошига қўйсин-да хумо  
Сен улардан бевакт бўлмагил жудо.

X X X

Юртим, мақтовингни дўндиrolмадим,  
Бошинга шон тожин кўндиrolмадим.  
Кийиндир меҳри айламоқ изҳор,  
Сенга Фарзанддирман шудир ифтихор.  
Мухтасар айтганда қалбимга жосан,  
Мақтовига умрим етмас дунёсан,  
Эй менинг ҳаётим, жоним Намангон  
Унвоним, имоним, шоним Намангон.





## МУСТАЗОД

Базмингга кўнгил талпинадир  
кечаю-кундуз  
Эй сухбати жонон,  
Чун лаъли дудоғингдан учар  
Битта ширин сўз  
Жон дардига дармон.  
Сен бирла мулокот чоғи  
Кўкларда юрарман  
Қалбимга қуёш жо,  
Гулшан каби яшнайди кўнгил  
Гар эса маъюс,  
Ҳам чехра чароғон.  
Дид, аклу заковатда сени  
Танти табиат  
Бекам яратибдур;  
Ким хуснинг узук бўлса  
Одобингни этиб кўз  
Айлабди намоён.  
Шу кўрку камолат била сен  
Юртимга безаксан,  
Мангуга кераксан,

Эй қошу кўзи соchlари тун,  
Чехраси кундуз,  
Дил боғига боғон.  
Бахс айласалар сен била  
Оlamда санамлар,  
Мот қолмоғи бешак,  
Ул барчаси тегрангда ёниб  
Ўчгучи юлдуз,  
Сен соҳиби осмон.  
Оlamча фазилатни кўриб  
Сенда мужассам,  
Хар бир сифатингни  
Куйлашга Ҳабибингни ато  
Айлади маҳсус  
Бу мулки Намангон





## МУХАММАСЛАР

### НАМАНГОН ТАРОНАСИ

(Мувашах — мухаммас)

**НИЯТДАЙ** пок ҳавоси барчага  
манзур Намангонсан,  
Навоий назмидай олам аро  
машхур Намангонсан.  
Богингни дейдилар жаннат,  
тошингни дур, Намангонсан,  
Хар ўғлингни Юсуф дерлар,  
қизингни хур, Намангонсан.  
Элинг гул, кулгига ошно,  
ажиб масрур Намангонсан.

**АЖОЙИБ** гул диёрдирсан кўриб  
шайдо бўлар кўнгил,  
Атр сочса гулинг диллар  
наво килгай бўлиб булбул,  
Шу важдан келса меҳмон ҳам қолиб  
кетмоқ бўлар буткул,  
Йўлида гул поёндоздир, кўлида  
армуғон ҳам гул,  
Фаши бўлса, деган: «гулдай  
кулиброқ юр», — Намангонсан.

**МУҲАББАТ** бир-ла ободсан,  
муҳаббатдан чиройинг ҳам,  
Меҳр кўргизмоқ истар ирмогингдан  
кatta сойинг ҳам.

Гўзал Чортокда жўш ўрган неча  
дардга давойинг ҳам,  
Яна чойхоначинг тутган шифодек  
яхна чойинг ҳам,  
Одамлик, оқибат бир-ла тирик,  
маъмур Намангонсан.

**АСРЛАР** шоҳидисан, тоғларинг  
остида не-не сир,  
Адо бўлди сени қўмсаб  
Олисларда буюк Бобур,  
Замонлар, шоҳлар ўтди, сен  
яшардинг оқибат охир,  
Ажин кўнган юзингни фасли  
кўклам, ювди-ю, ёмғир,  
Буюк зотлар даҳосидан  
эмолган нур Намангонсан.

**НЕЧУН** фахр этмайин юртим,  
олов меҳрингга қонғанда,  
Нечун ҳалқим ғуурланмас,  
Кувончидан уриб ханда,  
Елинг куйлашга ўргатса,  
сувинг шеърга этар банда,  
Агар Машраб даъво қилса  
туғилдим, деб Намангонда,  
Ажаб недир, ахир Нодим  
кўйига жўр Намангонсан.

**ГЎЗАЛЛИК НИНГ** сирини истаганлар  
бафингга келсин,  
Гўзалликни ибо деб англаган  
қизларга термулсин.  
Уларнинг кўрк-жамолини иход,  
мехнатда деб, билсин,  
Дилин мойдай эритган бол сўзин  
хурмат-да, деб билсин,  
Ўзинг ҳам мард йигитлар ўстириб  
магрур Намангонсан.

**ОҚИЛ** Луқмоннинг амрига жавоғ  
этсак ажаб недир,  
Азиз меҳмонга қаймоғу катиқ  
тутсак ажаб недир,  
Сўз ичра «утти-мутти»дан воз  
«кечолмутсак» ажаб недир,  
Уни ҳар ҳовлида ашъор билан  
кутсак ажаб недир,  
Дили вулқондай Усмонга эмизган  
шеър Намангонсан.

**НЕЧА** хил нозу неъматлар етилгай  
кутли боғингда,  
Нафосат ўлкасидирсан, тароват  
ҳамма ёғингда,  
Табиат ҳам латофат лойини  
кормиш қучоғингда,  
Ҳабиб жўр бўлди мадҳинг  
тилга тушган totли чоғингда,  
Ўзинг илҳом, ғазал, куйга  
тугалмас кўр Намангонсан.

## ИЛТИЖО

(Ўзбекистон халқ артисткаси  
Ҳабибаҳоним Охуновага)

Вужудим сел бўлиб оқсин,  
Ҳабиба, айлагил хониш,  
Ашуланг дилга ўт ёқсин,  
Ҳабиба, айлагил хониш.  
Ҳолимга эл кулиб боқсин,  
Ҳабиба, айлагил хониш,  
Бошимга таъналар ёғсин,  
Ҳабиба айлагил хониш.  
Ўқирман сенга минг таҳсин,  
Ҳабиба айлагил хониш.

Чаманда андалиб олсин  
сабоқлар хуш овозингдан,  
Чаманзор атрига тўлсин  
димоғлар хуш овозингдан.  
Не тонгким, болга айлансан,  
дудоқлар хуш овозингдан.  
Этиб ишқ ихтиёр бор ишки  
йўқлар хуш овозингдан,  
Муҳаббат зуннорин тақсин  
Ҳабиба, айлагил хониш.

Бу олам битта жон бўлса  
муҳаббат жисм аро жони,  
Баланд ол пардани, тутсин  
овозинг кўхна дунёни,  
Таралсин хонишингдан  
ошиқ аҳлин ўтли армони,

Умидвор қил висолдан, мангу  
битсин доғи ҳижрони,  
Садоқат машъалин ёқ сен,  
Ҳабиба, айлагил хониш.

Гулистон бу ҳаёт ичра ранго-ранг  
гуллари ҳам кўп,  
Ажиг наргислари ҳам кўп, суман,  
сумбуллари ҳам кўп,  
Қўниб ҳар шоҳда сайровчи тўти,  
булбуллари ҳам кўп,  
Қўшиқ кўп, ҳам ёниб куйловчи  
бийрон тиллари ҳам кўп,  
Ҳабибга ёлғизу ток сен,  
Ҳабиба айлагил хониш.



## АТОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй, менинг орзу, умидим,  
эй, умрга зийнатим,  
Сенга шайдо бўлганимдан  
элда ошмиш қийматим,  
Кеча-кундуз тавсифингга  
сўз қидирмоқ хизматим,  
Эй, ғаму дардинг санинг  
пайваста айшу ишратим,  
Мехри васлинг бирла йўгрилди  
азалда тийнатим.

Бир нафас исмингни тутмай  
ўтса айёмим агар,  
Бўлмасин ҳаргиз мусассар  
умрлар комим агар,  
Ошиқ ахли ичра бўлсин майли  
бад номим агар.  
Ҳар намозимда манинг кофирига  
исломим агар,  
Зулфу холинг куллуғиндан  
ўзга бўлса ниятим.

Бу ниятдан кеч, дея кўплар  
дилимни овлади,  
Не ғанимлар минг маломат  
ичра қўиди, довлади,  
Гоҳ кўчангга қўйсам одим  
нечалар ков-ковлади.  
Эшикингда ит мени кўрди,  
ракибдек қовлади,  
Давлатингда кўр, не ерга етди  
иззат-хурматим.

Богда кезсанг минг хижолат  
ичра гуллар сўлсалар,  
Шаҳр аро сайр айласанг  
йўллар атрга тўлсалар,  
Ел, қуёш пойинг ўпиб, нурлар  
тўшаб ўргулсалар,  
Гоҳ-гоҳи эл кўриб хуснингни  
ҳайрон бўлсалар.  
Мен сани кўрган сойин ортар  
бурунғи ҳайратим.

Ёр агар айлар ситам, килмок  
шикоят зўр гуноҳ,  
Мен қочиб дарду ғамингдан  
изламам сокин паноҳ,  
Ихтиёrim бирла санга  
боғланибман бегувоҳ,  
Фурқатингда ўртар эрди бу  
заиф кўнглимни оҳ.  
Оҳ, эмди қолмади оҳ  
ургали ҳам кувватим.

Менки ишқ уммонида роҳин  
йўқотган бир кема,  
Эй, Ҳабиб, олий муҳаббат  
қисмат эрмас ҳар кима,  
Тақдирим шундоқ экан, раҳм айлама,  
ёр, ғам ема,  
«Қил биҳил, ўлсанг Атоий  
ҳасратим бирла» дема  
Гар санинг ишқинг била ўлсам,  
зихи хуш давлатим.

## МУБТАЛО

*Муқимий газалига мухаммас*

Во дариф, этдинг мени кўп  
можароға мубтало,  
Айлабон мен норасони  
бир расоға мубтало,  
Мен ахир эрдим-ку бир  
кори жафоға мубтало,  
Сахт бўлмишман яна бир  
дилрабога мубтало,  
Бир балодин соғ бўлмай,  
бир балоға мубтало.

Ташна бир ошиқ мисол  
васл истагида бекарор,  
Кўксини чок-чок этиб,  
кўзларда ёши шашқатор,  
Ё умидидан кечолмай,  
ё бўлолмай баҳтга ёр,  
Лола бағри доғ қат-қат  
қон очилгай ҳар баҳор,  
Мен каби бўлғон магар  
гулгун қабоға мубтало.

Зор эканму бу парирў  
шунчалар фарёд учун,  
Не бўлур қилса табассум  
биз киби ношод учун,  
Ё яралганму билолмам  
бизга истибдод учун,  
Тоқ тоқатлар юарга кўз  
тутиб имдод учун,

Не ажаб бўлсан агар  
мужгон асоға мубтало.

Воҳ, бу жон бўлсин поёндоз  
йўлга гулрў чиқса гар,  
Қатра-қатра қонларимдан  
гул униб бошин эгар.  
Илтижо шулдир фақат,  
қай чоқдаким одим босар,  
Айласун афтодалар ҳолига  
ҳам гоҳо назар,  
Бесамар боғларда сарв  
бўлғач ҳавога мубтало.

Ошносан дардга, лекин ул  
табиб аҳволингга  
Заррача килмас назар, раҳми  
келиб аҳволингга.  
Йиғлагил танҳо ўзинг эмди  
ҳадеб аҳволингга.  
Раҳм қилмай, эй кангул, бўлдинг  
на деб аҳволингга,  
Бу сифат бебок пур  
жавру жафоға мубтало.

Номини жонга бадал қилдим  
бу боис бирлаким,  
Жон усиз ҳеч нарса деб билдим  
бу боис барлаким,  
Йиғлабон йўлга йиқилдим  
бу боис бирлаким,  
Ашкими қонга бадал қилдим  
бу боис бирлаким,  
Шўхлар мойил руунатга,  
хиноға мубтало.

Гулга зор бир андалибман  
танды йүқдир тоқатим,  
Ох уриш бўлмиш ишум,  
қондир ичарга овқатим,  
Ўтмагай бир лаҳза ҳам  
дилбар ёдисиз фурсатим,  
Афзун ўлди, дўстлар,  
тобора бора ҳайратим,  
Бир бошим савдои юз минг  
муддаога мубтало.

Арзима солсин қулоқ, шул танда  
армоним мани,  
Бузмасин оламни токи  
оху нолоним мани,  
Қолса бас номи билан бирга  
Ҳабиб номим мани,  
Назмими кўрсанг билурсан доги  
ҳижроним мани,  
Найлай ўлмишман Муқимий  
маҳлиқога мубтало.





## МУСАДДАСЛАР

### ДҮСТЛАРИМГА

Марҳамат айлаб мени  
бағрингга олдинг, эй, ҳаёт,  
Боз яшаш дарсин бериб,  
күнглимга жо этдинг сабот,  
Гоҳ бошим тошларга урдинг  
гоҳида бердинг нажот,  
Сабру бардошим кўриб,  
дўст бўлди ҳатто еттиёт,  
Хар нафас сендан илинжим  
битта эзгу илтифот:  
Дўстларимни айлагил  
бевакт ажалдан эҳтиёт.

Отадан ёлғиз эрурман,  
сенга бу ҳолим аён,  
Шул сабаб ҳар дўст менга  
гўё жигардир меҳрибон,  
Хар бирин меҳри этар  
ўқсик дилимни осмон,

Бахтларин кўрсам кўзимда  
яшнагай рўйи жаҳон,  
Дард агар чекса улар —  
жисмимга тордир коинот,  
Дўстларимни қил ҳаёт,  
бевақт ажалдан эҳтиёт.

Дилни ўртар мен бирин  
ногоҳ йўқотган чоғларим,  
Битмагайдир то ҳануз  
кўксимда қолган доғларим,  
Бўлмасин пайхон умид  
бирла кўкартган боғларим,  
Майли олгил бойлигим,  
аммо суянган тоғларим,  
Ҳам суянчим, ҳам қувончим,  
ҳам дилим суйган баёт —  
Дўстларимни айлагил  
бевақт ажалдан эҳтиёт.

Дейдилар эркакни ўқмас,  
доги фурқат ўлдирур,  
Ёки нопок кас отур  
санги маломат ўлдирур,  
Гоҳи иғво ўлдирур  
ё гоҳи тухмат ўлдирур,  
Мардни номард дасти бирла  
кеқ, хусумат ўлдирур,  
Дўстларим — мардлар,  
улар орзусига бахш эт қанот,  
Дўстларимни қил ҳаёт,  
бевақт ажалдан эҳтиёт.

Не синовинг бўлса ўтдим,  
етди бардошим менинг,

Дил агар йиғлар, кўзимдан  
чиқмади ёшим менинг,  
Сен ўзингсан, эй ҳаёт,  
ҳар ишда сирдошим менинг,  
Бўлмади умрим бўйи ҳеч ерда  
ҳам бошим менинг  
Менга тутсанг майли тутгил  
бемаҳал заҳри мамот,  
Дўстларимни айлагил  
бевакт ажалдан эҳтиёт.

Яхши ният бирла ҳар лаҳза  
наво қилгай Ҳабиб,  
Ҳарки дил захмига чин сўздан  
даво қилгай Ҳабиб,  
Эй, ҳаёт, не хизматинг бўлса  
бажо қилгай Ҳабиб,  
Кеча кундуз сидқидилдан  
муддао қилгай Ҳабиб,  
Давлатим, яъни кўнгил  
мулкимдаги нодир бисот —  
Дўстларимни айлагил  
бевакт ажалдан эҳтиёт.



## ФАРЗАНДЛАРИМ

Мен келиб дунёга топган  
давлатим фарзандларим,  
Қади бастим кўрки ҳам Сиз  
савлатим фарзандларим,  
Эл аро шаънимга хурмат  
иззатим фарзандларим,  
Сиз биландир бу ҳётда  
қимматим фарзандларим,  
Барча корим ичра нодир  
санъатим фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига қўшган  
зийнатим фарзандларим.

Оlam ичра ҳар кишининг  
бир буюк армони бор,  
Қайси кас мансабга муштоқ,  
қайси кас дунёга зор,  
Қай бировнинг моли бисёр,  
қай биров омадга ёр,  
Лек ўтар тирнокқа зору  
кўзда ёшли шашқатор,  
Сизки бор, мендан чекингай  
кулфатим фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига қўшган  
зийнатим фарзандларим.

Ҳар бирингизга боқиб  
дилда кувончим беадад,  
Қоматингизни кўриб олгай  
кўзим нур, бел мадад,  
Сиз туфайли илдиз отмишман  
заминда тоабад,  
Билмасин бахту камолингиз  
сира поёну хад,

Ушбу йўлда Сизга ҳарки  
хизматим фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига қўшган  
зийнатим фарзандларим.

Яхши ният бирла бердим  
Раҳматулло номини,  
Жуфти Нуриллонинг этдим  
нурга ошно номини,  
Ҳам Саида эслатур назм  
ичра доно номини,  
Ким умидимдан Умидга  
олди зебо номини,  
Бўлди Шукруллода жо  
пок ниятим, фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига қўшган  
зийнатим фарзандларим.

Истагим: содик бўлинг  
ҳар дам ота имонига,  
Тикмангиз кўз, чўзмангиз қўл  
ҳеч бироннинг нонига.  
Ким ҳалол меҳнат қиласар  
еттагай умид армонига,  
Кимки нопок, оқибат  
қасд айлагай ўз жонига,  
Ризқингиз бўлмиш мудом  
пок меҳнатим, фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига қўшган  
зийнатим фарзандларим.

Сиз Ҳабиб Саъдулла номин  
олган ўғлон, кизлари,  
Йўллагум Сизни азиз  
меҳнатсевар халқим сари,

<sup>1</sup>Саида Зуннуновага ишора.

Юртга содик, элга ҳамдард  
бўлсангиз хизматгари,  
Ёдлагай ўтганда ҳам  
номим улуғлаб эл бари,  
Сизга боғлиқ қай йўсин  
қолса отим фарзандларим,  
Хур Ватан кўркига кўшган  
зийнатим фарзандларим.





## МУРАББА

### СЕНСИЗ

Эркам, хаёлларим паришон, сенсиз,  
Оромин йўкотди ғариб жон, сенсиз.  
Хатто куёш юзин тўёси булутлар,  
Мунгайиб қолди-ку, Намангон сенсиз.

Не тонг, бир кундаёқ шундок согинсам,  
Исминг тилга олсан кўзларимда нам,  
Бир менмас, юртимда хукмрон кўклам,  
Кўркин этолмагай намоён сенсиз.

Олиб кетганмидинг щахрим рангларин,  
Кувноқ қўшиклиарнинг хуш оҳангларин.  
Шодон қаҳ-қаҳамнинг шаън жарангларин,  
Куйлолмам, кулолмам шўх-шодон сенсиз.

Холимга дўстларим бокурлар ҳайрон,  
Эс-хушдан жудоман, дил мулки вайрон.  
Сен эдингку барча дардимга дармон,  
Нечун бунда колдим, мен, нодон сенсиз?!

Тезрок қайт фариштам!— Ўқсик дил зори,  
Васлингдан ёзилсин кўнгил хумори.  
Яшнасин, тул очсин юртим баҳори,  
Унинг ҳам кўзлари ниғорон, сенсиз,



## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Туғилгандан ширин тилга бўлдим ҳабиб,  
Ҳар покиза, очиқ дилга бўлдим ҳабиб.  
Дилим очиб, унга элим жойладиму  
Шу йўл билан ўзим элга бўлдим ҳабиб.

\* \* \*

Қалбида агар ишқ ўти ёнмас экан,  
Хечким бу ҳаёт завқига қонмас экан.  
Не ранжу балоларга дучор бўлса ҳам,  
Чин инсон эса ишқидан тонмас экан.





## Т У Ю К

Кўнглимни Ватан муҳаббати соз этмиш,  
Соз дилни вафони куйла, деб соз этмиш.  
Куйлашда менинг созим агар сахв этса  
Бу куйчи Ватан созим олиб соз этмиш.

## Ф А Р Д Л А Р

Ҳар кимики муддаоси нафс эрур,  
Оқибат ҳам, бил, худомас, нафс урур.

\* \* \*

Ким ўзидан паст кўрибдир ўзгани,  
Бўлган эрмас бу ҳаётда ўзгани.



## МУНДАРИЖА

Дебоча.....	3
Агар сен.....	5
Кўзгуга.....	6
Келмаганингда.....	7
Кўчамдан жонон ўтганда.....	8
Сафарда.....	9
Хар лаҳза, ҳар лаҳза.....	10
Қадаҳ сўзи.....	11
Кел, эй, дилдор.....	13
Қўшик.....	14
Не ажаб.....	15
Сев.....	17
Лаҳза.....	19
Бўлмасанг.....	21
Ёнимда сен бўлсанг.....	21
Кетсанг.....	22
Кўзларинг.....	23
Омад.....	24
Задарё гўзалига.....	26
Шайдо десанг, де.....	27
Дарё.....	28
Не илож.....	29
Гулим, нечун.....	30
Муҳаббат.....	31
Келгайми, келмагайми.....	32
Сенга.....	33
Илҳом парисига.....	34
Сиздан садо.....	35
Наманғон қизлари.....	36
Ўргансачи.....	37
Ой.....	38
Сенчалик.....	39
Камситмагил.....	40
Хушбўйгинам.....	41
Сизни согинсам.....	42
Гўзалим.....	43
Истак.....	44
Умринг узун бўлсин.....	46
Бир бурда нон.....	48

Сиз түғилган кун.....	49
Бир гўзлким.....	50
Ўртамизда.....	52
Сен ягона.....	53
Кошкийди.....	54
Водий таронаси.....	55
Сочинг атри.....	56
Софиниш.....	57
Қолса бас.....	58
Менинг баҳтим.....	59
Бир нигоҳ.....	60
Юракка хитоб.....	61
Шараф.....	62
Шўх.....	64
Ошиқ эсанг.....	65
Нозлигим.....	66
Этмиш.....	67
Эл ичра таърифингиз.....	68
Эй, ҳаёт.....	69
Ишкинг мени.....	70
Чуст богида.....	72
Биздан гуноҳ.....	74

### ҚАСИДАЛАР

Аёллар.....	75
Ифтихор.....	78
Мустаҳзод.....	88
<b>МУҲАММАСЛАР</b> .....	90
Намаигон таронаси.....	90
Илтижо.....	93
Атоий ғазалига мухаммас.....	95
Мубтало (Муқимий ғазалига мухаммас).....	97
<b>МУСАДДАСЛАР</b> .....	100
Дўстларимга.....	100
Фарзандларим .....	103
<b>МУРАББА</b> .....	106
Сенсиз.....	106
Рубойлар.....	107
Туюқ ва фардлар.....	109

На узбекском языке

ХАБИБ САГДУЛЛА

По моей улице прошла красавица  
(диван)

Муҳаррирлар Ш. Туробов, А. Дилмуродов

Рассом Ҳ. Ҳудайбердиев

Расмлар мухаррири М. Одилов

Техн. муҳаррир Д. Бекиева

Мусаххих Н. Сайдуллаев

ИБ № 3149

Босмахонага берилди 3. 01 — 1992 й. Босишига руҳсат этилди. 10. 03 — 1992 й. Формати  $84 \times 108^1/32$ . 1г ракамли босма корози. Таймс гарнитура босма. Шартли босма тобоғи 5,88. Шартли кр. оттиски 6,30. Нашр тобоғи 5,54. Жаъми нусхаси 50.000. Буюртма № 13. Баҳоси 4 сўм. Шартнома 3 — 91.

Ўзбекистон Ёшлилар Иттифоки МҚнинг «Камалак»  
Матбаа — нашриёт бирлашмаси. 700113 Тошкент шаҳри,  
Қатортол кўчаси, 60-уй.

Ўзбекистон Давлат Матбуот Комитетининг Янгийўл  
китобижара босмахонасида босилди. Самарқанд кўчаси, 44.

Муаллиф ушбу китобни чиқариш учун қоғоз топишга сидқидилдан ёрдам берган Наманган машинасозлик заводи меҳнат жамоасига ва унинг раҳбари Ўзбекистон халқ депутати Абдувоҳид Паттоевга дил-дилдан миннатдорчилик билдиради.